O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №


Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 27 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 15 (7418)


**Da'vat**

*Yaxshi maslahatni qabul qilmoq — shaxsiy imkoniyatlarni yanada oshirmoq, degan so'z.*

Iogann GYOTE

**Ibrat**

*Xo'jaobod tuman savdo ishlab chiqarish aksiyadorlik jamiyati (raisi Sotivoldiyev) tumandagi maxsus maktab-internati o'quvchilarini 12 ming so'mlik o'quv-qurollari, 30 ming so'mlik oziq-ovqat mahsulotlari, 10 ming so'mlik oshxona idishlari bilan ta'minlab, amaliy yordam ko'rsatdi.*

## РАҲБАРГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Раҳбар шахс одамларни бирлаштириши, эзгу мақсад ва амаллар йўлида ўз ортидан эргаштира олиши лозим. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Президентимиз воҳада кейинги йилларда кўплаб соҳаларда иш бўшаштириб юборилганини қайд этиб, шундай деди: "Энг ёмони шундаки, аксарият мутасадди раҳбарлар бундай нохуш вазиятлар билан муроса қилиб келмоқда".

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ошкора айтилган, иқтисодий-ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар, тараққиёт йўлимизга тўсиқ-ғов бўлаётган нуқсонлар Сурхондарё вилоятида ҳам мавжудлиги қайд этилди. Воҳанинг ички имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги таъкидланди.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида Сурхондарё вилоятида таълим соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам тўхталиб, жумладан, шундай деди:

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда жадал суръатлар билан жорий этилмоқда. Бу дастурнинг илк ва умидбахш натижаларини бугун барчамиз кўриб турибмиз. Лекин, таассуфки, вилоятда бу соҳада ҳам талайгина камчиликлар учрамоқда.

Шуниси ачинарлики, мавжуд мактабларнинг 63 фоизи газлаштирилмаган, 243 таси таъмирга муҳтож. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 73 фоизи компьютерлар билан таъминланмаган. Мактабларда техник асбоб-ускуналар, турли жиҳозлар, кўргазмали ўқув қуроллари етишмайди.

Келажак — ёшлар қўлида, деб катта-катта минбарлардан кўп гапирамиз. Наҳотки, ёшлар тарбиясига бўлган бундай бепарволик воҳанинг истиқболига қандай катта зарар келтиришини бу ердаги раҳбарлар пайқамаётган бўлса?

Вилоятда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Умумтаълим мактабларининг учдан икки қисми ўзининг спорт залларига, бирортаси ҳам сузиш ҳавзаларига эга эмас.

Ўқувчиларнинг бор-йўғи 17 фоизигина дарсдан ташқари пайтда спорт билан шуғулланса, ўзингиз айтинг, бундай аҳволни қониқарли деб бўладими?"

Бу каби нуқсонларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш учун раҳбар шахслар зиммасига давр мураккаб вазифаларни юклаётганини қайд этиб, Президентимиз раҳбар, етакчининг қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлигига батафсил тўхталди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бахтиёр Олимжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди. Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Сариосиё тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Тошмирза Қодиров вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.





## БЎЛАЖАК ОЛИМЛАР БАҲСЛАШИШМОҚДА

**Anjuman**

Куни кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасида ЎМКҲТ тизими ўқувчиларининг биринчи республика конференцияси ўз ишини бошлади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ЎМКҲТ Маркази Фан ва техника Давлат қўмитаси, ЎзФА, республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқич вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси" мавзусида ўтказаётган мазкур конференциянинг тантанали очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Фан ва техника Давлат қўмитаси раиси П.Ҳабибуллаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, ЎМКҲТ Маркази раҳбари Ж.Ҳусанов ва бошқа мамлакатимизнинг етук олимлари иштирок этишди.

Анжуман қатнашчилари "Ёш физик ва информатиклар", "Ёш химиклар" ҳамда "Ёш биологлар" каби учта шўъбада ўзларининг илмий тадқиқот ишлари ва компьютер дастурларини ҳимоя қилишиб, масалаларнинг оригинал ечимларини намойиш этишди.

Икки кун давом этадиган мазкур анжуман тўғрисида газетамизнинг кейинги сонида тўлиқ маълумотга эга бўласиз.

Н.УСМОНОВ, "Маърифат" мухбири

Суратларда: конференция ишидан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ ва М.АМИН (ЎзА) олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШЛАР ЮТУҒИ

*Россия Федерациясининг Тошкентдаги элчихонасида рус тили бўйича Москвада ўтказилган биринчи халқаро олимпиадада ғолиб чиққан олти нафари ўзбекистонлик ўқувчилар билан элчи ўртасида учрашув бўлиб ўтди.*

*— Мен сиз аълочиларни, Москва ва Омск халқаро олимпиадаларига бориб, совринли ўринларни эгаллаган ёшларни чин кўнгилдан қутлайман, — деди Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков. — Менга Россиянинг элчиси сифатида ўзбекистонлик ёшларнинг Россияга бориб, юксак ўринларни эгаллаб келиши катта мамнуният бағишлайди.*

*— Менинг билимим юксак баҳоланганидан хурсандман, — деди йиғилишда сўзга чиққан Олимжон Турсунбоев. — Аввало, олимпиада ташкилотчиларига раҳмат, дейман. Болалик пайтимдан Москвага боришни орзу қилардим. Бу йил мен ўз орзуимга етиб, Москвада бўлдим ва олимпиадада ғолиб чиқдим.*

«Туркистон-пресс»

**Ta'limga xorijiy investitsiyalar**

## ГРАНТЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ МАКТАБЛАРГА

Хабарингиз бор, жорий йилнинг январь ойида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўзбекистонлик ёшларни замон талаблари даражасида билим олишлари, уларнинг соғлом вояга етишлари ҳамда Республиканинг чекка ҳудудларидаги хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган кичик кўламда беғараз иқтисодий ҳамкорлик йўналишидаги лойиҳаси асосида умумий қиймати 415 минг 584 АҚШ долларига тенг ўқув жиҳозлари ва тиббий асбоб-анжомларни топшириш тўғрисидаги шартномалар имзоланган эди. Эътиборлиси, битимларни имзолаш чоғида ёшларни камол топтиришдек муштарак мақсад сари бундан кейин ҳам ҳар иккала давлат ўртасидаги алоқалар ривожланишига ишонч билдирилганди.

Яқинда Халқаро алоқаларнинг давоми сифатида пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида элчихонанинг юқорида келтирилган лойиҳаси асосида Республикамизнинг чекка ҳудудларида жойлашган яна бир неча таълим муассасалари ва шифохоналарига умумий қиймати 636 минг 226 АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилди. Шартномаларни имзолаш маросимида Япония давлати томонидан Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси маслаҳатчиси Имахаши Хироюки ва элчининг биринчи котиби Таданори Куманолар иштирок этишган бўлса, Ўзбекистон томонидан республика Халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев, вазирликнинг Халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Баҳодир Шамсиев ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган вакиллар қатнашдилар.

Маросимни Имахаши Хироюки жаноблари очар экан, давлатлар ўртасидаги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг тобора ривожланиб бораётганлигига алоҳида тўхталди.

— Болалар — келажагимиз. Уларнинг баркамол вояга етишлари йўлидаги эзгу мақсадлар сари амалга оширилаётган ишлар эса узоқ йилларга мўлжалланган — деди нотиқ ўз нутқида. — Ишонаманки, бугунги ҳамкорлигимиз келгусида ҳар иккала давлат ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Дарҳақиқат, таълим тизими ривожида Халқаро алоқаларнинг ўрни, бу борада, айниқса, Япония давлатининг юртимиз таълим тизимини ривожлантиришдаги кўмаги, уларнинг натижалари хусусида республикамиз халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев сўзлар экан, Япония элчихонасига ўз миннатдорчилигини билдириб ўтди.

Тантанали маросим шартномаларни имзолаш билан якунланди. Шуниси эътиборлики, Япония элчихонаси томонидан ажратилган бу галги маблағларнинг асосий қисми республикамизнинг жанубий сарҳадларидан бири — Қашқадарё вилоятининг чекка ҳудудларидаги таълим масканларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилган.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ, «Маърифат» мухбири**

## СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

### ТАНЛОВГА АСОСАН ТАРБИЯСИ ОҒИР БОЛАЛАР ЖАЛБ ЭТИЛДИ

*Конституция ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи муҳим ҳужжат. У юрт эртаси, халқ фаровонлигию Ватан тараққиётининг пойдевори ҳисобланади. Айни шу боис ҳам юртимизда Бош Қонунимизни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуриш сари дадил одим ташланмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши асосида болага аввал боғча, сўнгра эса мактаб давридаёқ қомусимизнинг ўргатиб борилиши эътиборга молик масала. Зотан, ривожланган демократик жамиятнинг муҳим талабларидан бири — бу миллатнинг, халқнинг ҳуқуқий савияси юқорилиги, ўзлигини англаганлик даражаси билан ўлчанади. Шу сабабдан бугунги кунда ўқувчиларнинг мазкур фанга нисбатан қизиқишларини ошириш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқдаки, албатта, унинг натижаси самарали бўлаётир.*

(Давоми 3-бетда)

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА


ИНТЕРНЕТДА ЎЗБЕКИСТОН САЙТЛАРИ 2-бет

ЎМКҲТ: ишлар кўлами бугунги кун даражасидами? 2-бет

ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖАРА УСУЛИ САМАРА БЕРАЯПТИМИ? ёхуд унинг қулайликлари ва айрим муаммолари хусусида 3-бет

МУСИҚА РУҲ ОЗИҒИ БЎЛСИН санъат халққа зиё тарқатмоғи даркор 4-бет

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — КЎҲНА МАДАНИЯТ 4-бет

ФАЗЛУ ҲУНАР АҲЛИНИНГ РАҲНАМОСИ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Алишер Навоий ва унинг замондошлари хусусида 5-бет

ЎҚИТУВЧИ, ЖУРНАЛИСТ, МУҲАРРИР, ТАРЖИМОН 5-бет

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ САФИДА ЎН ЙИЛ Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2-март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди 6-бет

СОЛАНО АРОФАТНИ КЎНДИРДИ 6-бет

«ОТА ЎҒИЛ» (ИНТЕРМЕДИЯ) 8-бет


## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI



**PREZIDENTLAR UCHRASHUVI KUTILMOQDA**

AQShning O'zbekistondagi elchixonasi tarqatgan xabarga ko'ra, shu yilning 12 martida AQSH prezidenti Oq uyda O'zbekiston Prezidenti Islom Karimovni qabul qiladi. Unda AQSH va O'zbekiston o'rtasida o'rnatilayotgan yangicha munosabatlar rivoji va istiqbollari haqida so'z boradi.

**FARMON**

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 93-(12-bandi) va 102-moddalariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga binoan Toshmirzo O'roqovich Qodirov Surxondaryo viloyati hokimi etib tayinlandi.

**QABUL**

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Oqsaroyda AQShning «Keys—Nyu Holland» kompaniyasi prezidenti va ijrochi direktori Paolo Monferino hamda mazkur kompaniya direktorlar kengashining raisi Jan Per Rossoni qabul qildi.

***

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga ko'ra, Rustam Yoqubovich Isayev O'zbekiston Respublikasining Turkiya Respublikasidagi Favqulodda va Muxtor elchisi etib tayinlandi.

## O'qutuvchi yon daftariga

**TAJRIBALAR O'ZINI OQLAYDIMI?**

Italiyalik olim Pennichi sichqonlar ustida tajriba o'tkazib, bu jonivorlardagi mavjud o'n minglab genlarning bittasini olib tashlash orqali ularning umrini 30 foiz uzaytirishga erishdi. Insonlarning umrini uzaytirishga xizmat qilishi mumkin, deb qaralayotgan ushbu tajribaning qaltis tomoni ham yo'q emas. Boisi, to'qimalarga qiron keltiradigan genlar umrni qisqartishi bilan birga organizmda bir qancha foydali vazifalarni ham bajaradi.

**ENG BO'YCHAN AYOL**

Hozirda Pokistonda istiqomat qilayotgan yigirma besh yoshli Zaynab Bibi ismli ayol dunyoning eng bo'ychan ayoli deb hisoblanmoqda. Bo'yi 240 santimetr bo'lgan bu ayol, afsuski, haligacha na yozish va na o'qish malakasiga ega ekan.

**YASHASH UCHUN YEYISH KERAKMI?**

Braziliyaning cho'l hududida yashovchi Lau ismli 80 yoshli kishining hayoti olimlar uchun jumboqqa aylanib turibdi. Sirli tomoni shundaki, Lau bolaligidan buyon ovqatlanmaydi. Shunga qaramasdan, uning sog'lig'i a'lo darajada qayd etilgan. 23 nafar farzandning otasi bo'lgan bu odamga rafiqasi har kuni nonushtada bir stakan mango sharbatini zo'rlab ichirar ekan.

**ORVEL BIRINCHI**

Bugun juda ko'plab nashrlarda o'zining muqim o'rnini egallagan krossvordlarning ilk asoschisi kim? Ma'lum bo'lishicha, birinchi bor Janubiy Afrika Respublikasining Keyptaun shahrida nashr etiladigan gazetalarning birida e'lon qilingan krossvordning muallifi ingliz haydovchisi Viktor Orvel bo'lgan ekan.

Munosabat

# ЎМКҲТ: ИШЛАР КЎЛАМИ БУГУНГИ КУН ДАРАЖАСИДАМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишидаги Президентимиз нутқини диққат билан кузатиб, бу сўзларнинг нақадар ҳаётий эканлигини чуқур ҳис қилдим. Унда Юртбошимиз янги турдаги билим даргоҳларини замонавий ўқув қуроллари ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, уларни янги дарсликлар ҳамда малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ишлар сусткашлик билан олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам бугун айрим мутахассисликлар меҳнат бозори эҳтиёжлари эътиборга олинмасдан тайёрланмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳалари ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаяпти. Президентимиз томонидан таъкидланган ҳақиқий аҳвол, мавжуд хато ва камчиликлар нафақат мени, балки олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир раҳбар, педагог ва илмий ходимни мулоҳаза юритишга, тегишли хулосалар чиқаришга даъват этадиган долзарб масаладир.

Республикамизда касб-ҳунар таълими муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти (ЎМКҲТРИ) бош ташкилот ҳисобланади.

Айни пайтда мазкур институт Фан ва техника давлат қўмитасининг илмий-техникавий дастурлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш, академик лицейларда йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган фанлардан узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш, касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида касбий моҳирликни шакллантириш, ўқув-услубий мажмуалар ва таълим жараёни дидактик-ахборот таъминотининг янги авлодини яратиш ва жорий этишнинг илмий-услубий асослари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини меҳнат бозори талабларига мос равишда амалга ошириш механизмлари каби муаммолар бўйича илмий изланишлар билан банд.

Институтимизда педагогика назарияси ва тарихи, меҳнат таълими назарияси ва методикаси, касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси ихтисосликлари бўйича илмий-педагогик тадқиқотлар амалга оширилиб, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга киришилган. Шу мақсадда институт қошида аспирантура бўлими ва касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражасини берадиган Ихтисослашган Кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 2002-2003 ўқув йилида институт қошида докторантура очишга ҳам ҳозирлик кўрилмоқда.

Бугунги кунда уларнинг фаолиятини кучайтириш биринчи галдаги вазифага айланган. Зеро, 2000-2001-йиллар мобайнида касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича атиги уч нафар киши номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган, холос. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш истиқболлари нуқтаи назаридан бу кўрсаткич мутлақо қониқарсиздир.

Касб-ҳунар таълимининг педагогик муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар янгиланаётган таълим мазмунини назарий асослашга, фан, техника, технология ва жаҳон тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунининг сифати ва ҳажмига қўйиладиган давлат талабларини аниқлашга йўналтирилгандир. Шу нуқтаи назардан, республикамизда касб-ҳунар таълими соҳасида Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими шаклланиши ва ривожланишининг методологик жиҳатлари; ушбу таълим тизими истиқболларининг методологик ва ижтимоий-педагогик муаммолари; мамлакат узлуксиз таълим тизимида касб-ҳунар таълими (турли тарихий даврларда); касб-ҳунар коллежларида турли соҳалар бўйича касб-ҳунар таълими мазмунини танлашнинг илмий асослари; ҳар бир умумтаълим, умумкасбий ва махсус фан бўйича таянч таълим даражасини аниқлашнинг илмий асослари; ЎМКҲТ муассасаларида умумтаълим фанларини касбий ихтисослаштиришнинг назарий асослари; касб-ҳунар коллежларида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар мазмунини мужассамлаштириш (интеграциялаш); ўқув-тарбия жараёнини табақалаштириш; бозор иқтисодиёти шароитида ўқув-тарбия ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш шакллари; умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар мазмуни ва уларнинг педагогик технологияларини такомиллаштириш; касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини умумтаълимий ва касбий тайёрлашдаги ўзаро боғлиқлик; айрим ўқув фанларини ўқитиш методикасининг педагогик асослари; умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишдаги узвийлик ва узлуксизлик; академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида айрим фанларни ўқитишнинг касбий жиҳатлари; касб-ҳунар коллежларида умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишнинг экологик жиҳатлари; ўқувчиларнинг компьютер саводхонлиги — касбий билимларни чуқур эгаллаш воситаси эканлиги; ўқувчиларда билишга оид қизиқишларни ривожлантириш; битирувчиларни бозор иқтисодиёти шароитидаги ишлаб чиқаришга мослаштиришнинг психологик-педагогик муаммолари; бозор иқтисодиёти шароитида касб-ҳунар коллежлари билан корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик хусусиятлари; касб-ҳунар коллежларини бошқаришнинг мазмуни, шакллари ва методлари; ўқув-тарбия жараёнини педагогик ташхис қилиш; коллежлар фаолиятини методик таъминлашнинг мазмуни ва тузилиши; касб-ҳунар коллежларида умумтаълим ва махсус фанларни ўқитиш тажрибаларини умумлаштиришнинг назарий асослари; хорижий мамлакатларда касб-ҳунар таълими; касб-ҳунар коллежлари учун ўқув-методик мажмуалар яратиш каби тадқиқий йўналишлар долзарб, очилмаган илмий мавзулар бўлиб қолмоқда.

Касб-ҳунар таълими педагогикасининг турли йўналишлари бўйича тадқиқотларни амалга оширишда республикамиз минтақаларидаги илмий педагогик жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда. Мазкур муаммоларни ўрганиш бир қатор университетлар, педагогика, техника, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишдаги институтларнинг (педагогика ва хусусий методика кафедраларида) илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган. Бироқ бу борада олиб борилаётган ишларнинг кўлами бугунги кун талаблари даражасида ташкил қилинмаган, тадқиқотларни мувофиқлаштириш масаласи тўла ечилмаган.

Яна бир ўзига хос қонуний жиҳат ҳам мавжудки, у касб-ҳунар таълими психологияси билан алоқадор. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларни тубдан кучайтириш, лозим бўлса, диссертациялар ҳимояси амалга ошириладиган мутахассисликлар рўйхатига касб-ҳунар таълими психологиясини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир.

Айрим манбаларга кўра, ҳозирги шароитда илмий билимларнинг янгиланиш суръати ўртача 2-2,5 йилни, айрим тармоқлар бўйича ҳатто 1 йилни ташкил қилади. Мана шундай шароитда республикамиз учун хорижий мамлакатларда касб-ҳунар таълими педагогикаси ва психологиясига оид амалга оширилаётган тадқиқотлар натижалари, умуман, илмий педагогик ахборотлар муаммоси энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бошқа мамлакатларнинг давлат ёки олий ўқув юртлари кутубхоналарига касб-ҳунар таълими бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари авторефератларини жўнатиш ёки қабул қилиб олиш билан мазкур мураккаб масалани тўла ҳал қилиб бўлмаса керак. Тўғри, амалга оширилаётган таълим соҳасидаги халқаро лойиҳалар, шунингдек, интернет тизими ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан, турли мамлакатлардаги педагог олимларнинг биргаликдаги ҳамкорлигида муаммони ҳал қилишнинг замонавий йўлларини излаб топиш, энг мақбул педагогик ахборот алмашинув механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолмоқда.

Институтимизда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун қирққа яқин номдаги ўқув-услубий мажмуалар ва таълим жараёни дидактик-ахборот таъминотининг янги авлодини яратиш борасида муайян натижаларга эришилди. Биргина мисол: институтимизда ишлаб чиқилган ўқув-назорат компьютер дастурлари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнига тадбиқ этилмоқда. Бироқ жойларда айрим ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги ва педагогик маҳорат даражаси пастлиги туфайли мазкур дастурлардан самарали фойдаланилмаяпти. Бу эса, Президентимиз таъкидлаганларидек, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласини янада долзарблаштирмоқда.

Шунингдек, институтимиз профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари 2001 йил давомида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун нашр қилинган 65 номдаги дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни яратишда қатнашдилар, 2002 йилда нашр қилинадиган 300 дан ортиқ номдаги ўқув адабиётларини яратишда ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шу билан бирга, малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетимизда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларининг масъул ходимлари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ва айрим тоифадаги педагог ва муҳандис-педагог кадрлар малакасини оширмоқдалар.

Муваффақиятлар, ютуқлар билан бирга, афсуски, камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, тармоқ таълим стандартларини яратиш ва такомиллаштириш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун замонавий ўқув-услубий мажмуаларни таълимнинг барча йўналишлари ва касбий фаолият соҳалари бўйича ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишда имкониятларни тўлиқ ишга сола олмаяпмиз, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини замон талаблари даражасида ташкил қилиш соҳасида ҳам муайян камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Яқинда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва институтимиз профессор-ўқитувчилари ҳамда илмий ходимлари иштирокида анжуман ўтказилиб, унда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида кўрсатиб ўтилган тегишли камчиликлар муҳокама қилинди, ундан келиб чиқадиган хулосалар асосида зарурий чора-тадбирлар белгиланди. Институтнинг барча илмий бўлинмалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида давр билан ҳамнафас ишлашга киришилди. Жумладан, институтимизнинг "Ижтимоий-иқтисодий муаммолар" бўлимида меҳнат бозори талаблари ва ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар ҳамда халқаро илғор тажрибаларни инобатга олиб, меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига тез мослашиш ва ўқувчиларнинг касбий лаёқатини ошириш учун таълим муассасаси маркетинги, хусусан, касб-ҳунар коллежлари қошида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш шўъба корхоналарини ташкил этиш механизмини яратиш ва тегишли таъсис ҳужжатларини тайёрлаш орқали илм масканларига имтиёзли консалтинг хизмати кўрсатиш каби масалаларни ҳал қилишга киришилди.

**Шериммат АВАЗОВ,**
**ЎМКҲТРИ илмий ишлар бўйича биринчи проректори**

Yangi informatsion texnologiyalar

# ИНТЕРНЕТДА ЎЗБЕКИСТОН САЙТЛАРИ

*Республикамизда масофадан туриб ўқитишнинг илк қадамлари ташланяпти. Интернетда дунёнинг барча мамлакатлари сингари Ўзбекистон ҳақидаги сайтлар ҳам вужудга келмоқда. Хусусан, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари, профессор-ўқитувчилари бундай сайтларнинг муаллифлари сифатида эътироф этилмоқда.*

*UzPAK—Ўзбекистон Республикаси миллий маълумотлар узатиш давлат тармоғи корхонаси информацион технологиялардан таълим тизимида — мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртларида фойдаланишни ташкил этмоқда. Масофадан ўқитишнинг аҳамияти хусусида корхона директори Миродил Сангинов ҳикоя қилади:*

*— 2001 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида Президентимиз И.Каримов:* ***"Ўзбекистон жаҳон компьютер майдонида ўзини намоён этиши керак. Компьютерлаштириш, маълумот технологиялари ва Интернетни нафақат ишлаб чиқариш ва саноатга, мактаблар, олий ўқув юртлари, балки кундалик шахсий ҳаётимизга кириб келишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйишимиз керак"*** *деган эдилар. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларни ривожлантириш, Интернетнинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида янги хизмат кўрсатиш дастурлари ишлаб чиқилиб, мижозларга тақдим этилмоқда. Бизнинг корхонамиз ўқув муассасалари учун алоҳида имтиёзли хизмат кўрсатиш режасини ишлаб чиқиб, уларга арзонлаштирилган нархда хизмат кўрсатяпти. Корхонамиз томонидан вилоятларда ҳам Интернет тармоғига қизиқишни ошириш мақсадида имтиёзлар яратилган.*

*Интернетни ривожлантиришга бағишланган биринчи миллий фестиваль 2001 йилнинг март ойида ўтказилган эди. "Ўзбекистон — Ватаним маним" шиори остидаги Интернет форуми ўтган йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтиб, ғолибларга совринлар берилган эди.*

*Корхонамиз масофавий таълимни ривожлантириш мақсадида янги видеоконференция хизмати киритди. Ҳозирги кунда Тошкент Давлат техника ҳамда Ўзбекистон Миллий университетлари шу хизматдан фойдаланиб, бир неча марта хорижий давлат олий ўқув юртлари билан тўғридан-тўғри конференция ўтказди. Тошкент Давлат техника университети кўпинча Мэриленд университети билан видеоконференциялар ўтказиб туради.*

*Республикамизда масофадан ўқитиш дастурларига катта аҳамият берилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент Давлат техника университетида масофадан туриб ўқитиш бўйича ўрганса арзийдиган тажрибалар бор. Аспирантлар Марина Ким ва Малоҳат Комиловалар Европанинг "ТЕМПУС-ТАСИС" лойиҳаси доирасида иш олиб бориб, информацион ва коммуникацион технологиялар соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича махсус ўқув дастури ишлаб чиқишди. Шунингдек, Малоҳат Комилова тақдим этган курсда, дунё университетларининг масофавий таълим соҳасидаги тажрибалари ўз аксини топган.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг хорижий тиллар кафедраси ва электрон информациялар маркази ходимлари ҳам ўз дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқишди. Унинг мавзуси: "Чет тилларида ўтилган материални тестлаштириш асосида интерфаол режимда ўрганиш". Ушбу дастурнинг инглизча, ўзбекча ва русча версиялари мавжуд. Ундан фақат чет тилларини ўрганиш мақсадидагина эмас, балки, масофавий таълимнинг бошқа курсларида ҳам янги технология сифатида фойдаланиш мумкин.*

*Вячеслав ва Татьяна Моногаровларнинг масофавий таълимга бағишланган сайти ҳам ИНТЕРНЕТ тармоғидан ўрин олди.*



*Улар Тошкент электротехника алоқа институти 4-курс талабаларидир. Бу сайтлардан масофавий таълимни уюштиришда билимлар базаси, шунингдек, кадрларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида қўлланиш катта аҳамиятга эга бўлади. Асосий предмет сифатида "Windows NT 4,0" тармоқли операцион тизимини ўрганиш, шунингдек ўрганилган предметларни ривожлантириш мақсадида қўшимча 2 та, яъни "Компьютер тармоқлари", "Алоқа иқтисодиёти" мавзулари танланган. У Ўзбекистон республикасида масофавий таълимни турли зарурий информациялар билан бойитиш ва ундан фойдаланишда, асосий йўналиш ва имкониятларини юзага чиқаришда енгиллик туғдиради. Кўп тармоқли Интернетнинг имкониятлари билан биргаликда бу дастурлар кадрларни ўқитиш ва тайёрлашнинг масофавий шаклида ўзига хос роль ўйнайди.*

*Интернет дунё миқёсидаги ягона тармоқ. Ундан деярли барча мамлакатларда фойдаланишади. Биргина Мэриленд (АҚШ) университетида 250 минг талаба масофадан туриб таълим олмоқда. Бу ҳам Интернетнинг чексиз имкониятларидан биридир. Агар 250 минг талабани бевосита юзма-юз туриб кундузги бўлимда ўқитилса, жуда катта сарф-харажат кетган бўларди. Масофавий таълимда гипербоғланган маълумотлар ва видео-аудио анимацияли қўшимча материаллар киритиш ҳисобига машғулотлар ўтиш ва ўзлаштириш самарадорлиги ошади. Бу ўз навбатида ўқув материалини тезда эслаб қолишга ёрдам беради. Талаба ва ўқувчиларда машғулотлар матни билан доимий ишлаш ва зарур бўлганда қайтадан мурожаат этиш имконияти пайдо бўлади.*

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**
**ёзиб олди.**

# «МАКТАБИМГА ОШИҚАЯПМАН»

*А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти ибратли ишларни амалга ошириб келаётир. Яқинда биз ҳам қисқа муддат давомида ўз билимларимизни янада кенгайтириш, ўрганганларимизни эса қайта такрорлаш мақсадида ушбу институтда бўлиб, унинг фаолияти ва бу ердаги таълимни ривожлантириш соҳасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган изланишларга қай тарика ёндашилаётганлигининг айнан гувоҳи бўлдик.*

*— Мен бу ерда малака оширишда бўлганимдан ғоят хурсандман, — дейди Наманган вилояти Косонсой туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси Нодира Йўлдошева. — Чунки институтда ўз билимимни мустаҳкамлаш билан бир қаторда унинг ёнида ташкил этилган профилакторийда яхшигина даволандим, кутубхонадаги жуда керакли китоблардан унумли фойдаландим. Ҳурматли домлалар, муаллимларимиз Мавлуда Қоплонова, Саидқосим Усмонов, Раъно Абдуллаева сингари ўз ишининг уста ўқитувчиларидан керакли билим ва кўникмаларни ўргандим. Хуллас, ушбу билим даргоҳида ўқитувчиларга яратилган шароитларни кўриб қувондим. Ҳозирда яхши кайфият, куч-ғайрат, билим ва тажриба билан яна мактабимга ошиқаяпманки, тезроқ бориб ўқувчиларимга, ҳамкасб дўстларимга бу ерда эгаллаган билим ва кўникмаларимни етказай, деб.*

*Эътиборлиси, мана шу каби фикрларни мазкур таълим муассасасида таҳсил олиб қайтаётган ҳар бир ўқитувчидан эшитиш мумкин. Хуллас, ишонч билан айта оламизки, бу ердаги профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнлари ва амалий машғулотлари мазмуни биз — курс тингловчиларини ўрта умумий таълимга қўйилган ДТС талаблари билан чуқурроқ танишишимизга ва уни мактаб ҳаётига жорий этишимизга катта ёрдам бериши, шубҳасиздир.*

**Мавлуда АҲТАМОВА,**
**Ургут туманидаги 46-мактаб ўқитувчиси**

Malaka oshirish

# САЙЁР КУРСЛАР САМАРҚАНД ВА ЖИЗЗАХДА

**ЎзМУ қошидаги ОПИда профессор-ўқитувчилар педагогик маҳоратини ошириш, янги методология ва педагогик ахборот технологиялари асосида ўқув ва тарбиявий ишларини такомиллаштиришга йўналтирилган сайёр малака ошириш курслари ташкил этилди.**

**Шу мақсадда Жиззах Давлат педагогика институтида ўтказилган "Таълим-тарбияда янги методология ва информацион-педагогик технологиялар" мавзусидаги малака ошириш курси машғулотларида институт раҳбар ходимлари ва педагоглар фаол қатнашдилар.**

**Февраль ойининг биринчи ярмида сайёр малака ошириш курси Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўз машғулотларини ўтказди. Курс маъруза-машғулотларида 74 нафар профессор-ўқитувчилар, кафедра мудирлари, деканлар иштирок этдилар.**

**МУХБИРИМИЗ**

# ЯНА БИР МУРУВВАТ ЁРДАМИ

АҚШнинг "Америка Керс" халқаро ташкилоти томонидан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси номига юборилган 26,4 тонна миқдорида навбатдаги инсонпарварлик юки ортилган самолёт Тошкентга келди. Унга 1,4 миллион АҚШ доллари миқдорида дори-дармонлар, тиббий анжомлар юкланган эди.

— "Соғлом авлод" Давлат дастуридаги доимий ва узоқ муддатга мўлжалланган бандлар ижросини таъминлаш мақсадида "Соғлом авлод учун" жамғармаси соғлом авлодни шакллантириш, оила, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятини янада кучайтирди,—деди жамғарма раиси Ойниса Мусурмонова "Туркистон-пресс" мухбирига — Қолаверса, жамғармамиз Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январда қабул қилган "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори доирасида кўпгина халқаро ташкилотлар, чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда инсонпарварлик дастурларини амалга оширмоқда.

Жамғарма раиси О.Мусурмонованинг таъкидлашича, республикамизга ўтган йилнинг ўзида жамғарма АҚШнинг "Америка Керс" халқаро хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда 20 миллион долларга яқин инсонпарварлик ёрдами келтирилди. Унинг таркибидаги дори-дармонлар, тиббий анжомлар ва санитария, гигиена буюмлари жамғарма томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги оналар ва болалар тиббиёт муассасаларига ҳамда мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида яшаётган аҳолига етказилди.

**"Туркистон-пресс"**

# АКСАРИЯТ КИТОБХОНЛАР ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРДИР

Сўнгги йилларда Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят кутубхонасида хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида анчагина ишлар қилинди. Зиё масканининг ҳозирги кунда 100 минг нусхадан иборат китоб жамғармаси мавжуд. Унинг каттагина қисмини бадиий, илмий-оммабоп, адабиётлар, шунингдек, ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчилари учун зарур дарсликлар ва услубий қўлланмалар ташкил этади. Бу ерда олдиндан белгиланган режа асосида муҳим саналарга бағишлаб китоб кўргазмалари ташкил этилмоқда.

Кутубхона аъзоларининг китоб, газета-журналларни бемалол мутолаа қилишлари учун алоҳида ўқув зали ажратилган. Китобхонларнинг аксарият қисмини олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, мактаб ўқувчилари ташкил этади. Ҳар йили 6 мингдан зиёд китобхон бу маскан хизматидан баҳраманд бўляпти.

Вилоят ҳудудида — шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда жами 265 та катта-кичик кутубхона аҳолига маданий-маърифий хизмат кўрсатиб келяпти.

— Кутубхонамиз қошида ўтган йилдан бошлаб хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи "Жиззах-2001" ҳуқуқий ахборот маркази фаолият кўрсата бошлади, — дейди кутубхона раҳбари Сайфулла Иброҳимов. — Бугун ушбу марказ хусусий тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерларни ҳуқуқий ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаб, ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

**Анвар ИМОМОВ**

# САЁҲАТ ҲАМ БИР САБОҚ

*Экскурсия ва саёҳатлар ўқувчи ёшларда туғилиб ўсган ўлкасига нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотади. Билим, кўникма ва маҳоратини амалда мустаҳкамлашга ёрдам беради.*

*Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги "Республикада туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил 5 майдаги 76-сонли буйруғини барча таълим муассасаларида ижро этиш йўлида кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Жумладан, тарихий ва мустақиллик даври иншоотлари билан кўркамлашиб бораётган шаҳарларимизга йил давомида экскурсия ва саёҳатлар уюштирилмоқда.*

*Шуниси қувончлики, экскурсияларга фақат вилоятлар маркази ёхуд пойтахтдаги мактаблар эмас, балки чекка қишлоқ туманлари ўқувчи-ёшлари ҳам жалб қилинмоқда. Хусусан, Оққўрғон тумани халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасаларида 2001-2002 ўқув йилида бу соҳадаги ишлар намунали тарзда йўлга қўйилди. Мавжуд 49 та умумий ўрта таълим мактабларининг 5000 дан зиёд ўқувчилари Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳатлар уюштиришди.*

*Республикамиздаги таълим муассасалари экскурсия ва саёҳатлар ташкил қилиш ва уларни бехатар, самарали ўтказишда ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази ҳамда унинг вилоятлардаги бўлимлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйишса мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, экскурсия — бу маънавият, билим, кўникма, дунёқараш ва малака ошириш демакдир.*

**М.АДИЛОВА,**
**А.НАЗАРОВ,**
**Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази етакчи мутахассислари**

# «СОҒЛОМ ФАРЗАНД»НИНГ ДУРКУН БОЛАЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Тошкентсут" акциядорлик жамиятига қарашли "Соғлом фарзанд" номли 24-сонли мактабгача таълим муассасасида болалар учун ҳамма нарса муҳайё. Номи қилаётган ишларига монанд бўлган мазкур даргоҳдаги болалар сони 212 нафар бўлиб, кунлик давомат эса 210 кишидан кам бўлмайди.

Маълумки, болаларнинг соғлом бўлиб ўсишларида тўғри овқатланиш муҳим рол ўйнайди. Шу боис болаларга кунига янги келтирилган сабзи, помидор, бодринг, карам, витаминга бой олма, ўрик, гилос, қовун, тарвуз берилади. Шунингдек, 4 маҳал овқатлантиришдан ташқари, ҳар куни соат 10.30 да қўшимча, иккинчи нонушта сифатида мевалар шарбати, сут, наъматак ва дўлана дамламаси, мойчечак гулидан тайёрланган ичимликлар тарқатилади.

Болаларни соғломлаштириш борасида тиббиёт ходимлари ва шунга яраша асбоб-ускуна ва шарт-шароитлар мавжуд. Булар: физиотерапевтик муолажалар, уқалаш, стоматология ва ортопедия врачлари учун хоналар ажратилган. Даволаш-бадантарбия машғулотини ўтказиш учун иккита шинамгина хоналар ҳам мавжуд.

Боланинг онгини ошириш ва хотирасини ўстиришни ҳозир компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. "Тошкентсут" акциядорлик жамияти ҳам болалар боғчасининг бир хонасини 10 та компьютер билан жиҳозлаб қўйган. Бундан ташқари, махсус хонада кичкинтойлар турли хил дарахтлар, ўсимликлар ва гуллар билан танишиш ҳамда уларни ўрганиш имконияти бор. Шунингдек, боғча ҳудудининг бир қисми жониворларга ажратилган бўлиб, бу ерда қуёнлару тошбақалар, какликлару беданалар болаларнинг қувончларига қувонч қўшади. Энг кичкина болалар гуруҳи жойлашган хонада эса, тўлқинсимон тўтиқушларнинг бир галаси каттакон катак ичида чуғурлашиб, ўйнаб кичкинтойларни қувонтиради.

"Соғлом танда — соғлом ақл" деганларидек, "Соғлом фарзанд" стадиони ҳам мавжуд бўлиб, унга футбол дарвозалари, баскетбол ҳамда волейбол тўри ўрнатилган. Айниқса, ҳомийлар сармоясига Канададан келтириб экилган кўм-кўк ўтнинг силлиқ ётқизилганлигига қойил қолмасдан иложингиз йўқ.

**Эркин ИБРОҲИМОВ**

*Муҳими, ота-оналар дарсликларни харид қилишдан кўра уларни ижарага олиш афзал деган хулосага келишди.*

*Талабанинг ақлий меҳнат маҳсулидан "Ўзбектуризм"да унумли фойдаланишмоқда. У сайёҳлар учун беминнат маълумотномадир.*



# ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖАРА УСУЛИ САМАРА БЕРАЯПТИМИ?

## Ёхуд унинг қулайликлари ва айрим муаммолари хусусида

Халқ таълими вазирлиги Осиё Ривожланиш Банки лойиҳаси доирасида ва Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими йўлга қўйилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманида 2, 3, 5, 6, 7 ва 8-синфларида ўқийдиган 260 минг нафардан ортиқ ўқувчилар ушбу имкониятдан самарали фойдаланиб келмоқда.

Хўш, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули афзалликлари нималардан иборат, ундан ўқувчилар ва ота-оналар мамнунмилар? Умуман, бу усулга жойларда қандай муносабат билдирилмоқда?

— Энг аввало, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида оилалар, айниқса, кам таъминланган оилалар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланадилар, — деди Беруний тумани ХТБ дарсликлар бўйича методисти Нурилла Рўзимов. — Масалан, ота-она 5-синфда ўқийдиган фарзандига зарур дарсликларни сотиб олиш учун 7-8 минг сўм сарфлайди. Ижарага эса 6 та номдаги дарсликларнинг ҳаммаси учун 1395 сўм тўланади, холос.

Дарҳақиқат, ота-она фарзандига мактаб кутубхонасидан бир ўқув йили учун керакли китобларни ижарага олади. Асосийси, ҳар бир киши ижарага олган китоблари нархининг маълум фоизинигина тўлайди. Ота-оналар ижара ҳақини мактаб учун банкда очилган махсус ҳисобга тўлайдилар. Бунда улар ҳомий ташкилотлар кўмагига ҳам таянишлари мумкин. Тушган пуллар банкда сақланади ва у фақат янги китоблар сотиб олиш учун сарфланади. Ўқув йили охирида ижарага олинган китоблар кутубхонага қайтарилади. Ижара усулининг асосий моҳиятларидан бири шуки, дарсликларни харид этиш учун сарфланган маблағлар тўрт йилга бўлинади. Бу ҳолда битта дарсликка кетган маблағни тўрт нафар ота-она биргаликда қоплайди.

Ҳозир Беруний туманидаги 57 та мактабда ижара дарсликлари учун махсус ҳисоб очилган. Қувонарлиси, ижаранинг афзаллигини тушунган ҳомийлар ота-оналарга кўмакка келишмоқда. Мисол учун, "Баҳодир Қ." фирмаси (раҳбари Қодирберган Авазимбетов) 61-мактабга 100 минг сўм, Беруний туман "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик жамияти 1-мактаб ҳисобига 50 минг сўм пул ўтказиб беришди. Ҳозирда туманда бундай ҳомийларнинг сони ортиб бораяпти.

— Мазкур янгиликдан ҳамда ҳомийлар кўмагидан ота-оналар роса севинишмоқда, — дейди 61-мактаб раҳбари Тўлибой Ражаббоев. — Масалан, кўп болали оилалардан Бибиҳадича Розимованинг 4 нафар фарзанди мактабимизда таълим олаётган бўлса, шундан 2 нафари, Раҳима Абдуллаеванинг 5 нафар ўқувчи фарзандидан 3 нафари, Фотима Бўронованинг 5 нафар ўқувчи фарзандидан 4 нафари, Гулора Раҳматуллаеванинг фарзандларидан 3 нафари ушбу имтиёздан фойдаланишяпти.

Албатта, аввалига халқ таълими ходимлари ҳам, ота-оналар ҳам янгилик моҳиятини унчалик тушунишмади. Унинг оғирлиги кейинчалик бизнинг зиммамизга тушиб қолмасмикин, дея чўчишди. Сабаби, тўрт йил давомида дарслик жамғармасига 106108300 сўм тўпланиши керак бўларди. Янгилик бўйича туманда қатор семинарлар ўтказилгандан сўнггина унинг моҳияти тўла англанди.

Айни кунда берунийликлар томонидан 57 та мактабдаги ижара дарсликлари учун очилган махсус ҳисобга 27570000 сўм пул йиғилиб, йиллик режа бажарилиб қўйилгани барча илм масканларида янгилик моҳияти батафсил тушуниб етилганидан дарак беради.

— Туманимизда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули жорий қилиниши кўпчилик учун ажойиб совға бўлди, десак муболаға бўлмайди, — деди Беруний тумани ХТБ мониторинг бўлими бошлиғи Маҳаммаджон Раззоқов. — Натижалар кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Туман ўқувчиларининг 90 фоизи дарсликлар билан таъминланди. Ўғил-қизларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи илгаригига нисбатан анча ўсди. Муҳими, ота-оналарнинг мушкули осонлашди. Эндиликда уларнинг фақат фарзандлари таълим-тарбияси билан шуғулланишга вақт ажратишаётгани бизни қувонтирмоқда.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида халқ таълими ходимию хоҳ услубчи, мактаб раҳбарию хоҳ кутубхоначи бўлсин, хусусан, ким билан, қайси ота-она билан суҳбатлашмайлик, Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан жорий этилган ушбу янгиликни ўзига хос усул, деб баҳолашишди.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

* * *

Айни кунда Собир Раҳимов туманидаги барча мактабларда ҳам дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули бўйича тажриба-синов олиб борилаётир. Тажриба-синовда жами 31 та мактабнинг 2, 3, 5, 6, 7 ва 8-синфларида ўқийдиган 17516 нафар ўқувчилари иштирок этмоқдалар.

Ижара ҳақини мактабларда синф раҳбарлари ва ота-оналар вакиллари йиғиб, кутубхоначига топширишмоқда. Ёки ўзлари "Пахтабанк" бўлимидаги махсус ДАЖ ҳисоб рақамига тўлаб келишмоқда. Ҳар ойда туман халқ таълими бўлими "Пахтабанк" бўлимидан мактаблар тўлаган ижара ҳақи тўғрисидаги маълумотларни олиб туради. Ҳозирги кунга келиб туман бўйича 27382562 сўм пул миқдорида ижара ҳақи тўланганлиги қувонарли ҳолдир.

Туманда дарсликларни ўқувчиларга тарқатиш қуйидагича тартибда ташкил этилган, яъни:

1. Дарсликларга муҳр босилиб, инвентар рақамлари қўйиб чиқилган.

2. Синф раҳбари кутубхоначига ижара ҳақи тўланганлиги тўғрисида квитанция нусхасини топширгандан кейингина дарсликлар берилган ва кутубхоначининг дарсликларни тарқатиш дафтарига қайд этилган.

3. Ижара тизимига киритилган дарсликлар алоҳида дафтарда кутубхона фондига кирим қилинган.

Ижарага олинган жами дарсликлар 150827 нусха бўлиб, булардан 122170 донаси ота-оналар томонидан ижарага сотиб олиниб, заҳирада 26014 дона дарсликлар қолган.

Деярли барча тажриба-синов майдонларида ўқувчиларнинг дарсликлар билан ижара усули асосида таъминланиши ота-оналар, ўқитувчилар, мактаб маъмурияти, туман ХТБ мудирлари томонидан ижобий қабул қилинмоқда. Муҳими, ота-оналар дарсликларни харид қилишдан кўра уларни ижарага олиш афзал деган хулосага келишди. Лекин ижара ишларини ўрганиш жараёнида бу борада бир қатор муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланди:

1. Жойлардаги айрим мактаб маъмуриятлари ўқувчиларга тарқатилган дарсликларни сақлаш борасида тушунтириш, ташвиқот, рағбатлантириш ишларини тўғри йўлга қўйишмаган. Бу борада ХТВ томонидан 111-буйруқ билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ижроси ҳам талаб даражасида эмас.

2. Деярли кўпчилик методик қўлланмалар, кўргазмали қуроллар шу кунга қадар жойларга етказилмаган.

3. Дарсликларнинг формати ва ҳажми катта. Шу билан бирга улар (инглиз тили, немис тили (5—6-синф), информатика, иқтисод (8-синф дарсликларидан ташқари)даги матнлар академик тилда, баён усулида ёзилган. Шунингдек, ўқувчиларга нотаниш бўлган сўзларнинг изоҳи берилмаган.

4. Дарсликларнинг полиграфик сифатига ҳам эътирозлар бор. Жумладан, муқованинг юмшоқлиги, "Биговка" китобнинг асосий қисмига белгиланган тафсилот асосида бириктирилмаганлиги, муқованинг ломинацияланиши талаб даражасида эмаслиги, муқованинг бичими нотўғри бажарилганлиги учун унинг "айланиб" қайрилиб кетиши кузатилган.

Бундан ташқари, дарс соатларига нисбатан дарсликлардаги параграфларнинг икки ҳисса кўплиги айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бунга тарих дарсликларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Айрим фанлар (кимё, биология, физика) бўйича эса стандартлар мактаб ўқувчиларининг ёшига мос келмаяпти. Шу боис ўқитувчилар томонидан стандартларни қайта кўриб чиқиш зарур, деган таклифлар берилмоқда.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш бўйича қуйидагиларни таклиф этамиз. Бизнинг фикримизча:

1. Ўқувчиларга ижара тизими асосида тарқатилган дарсликларни ораста сақлаш, кутубхона ишини тўғри ташкил этиш мақсадида Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 6-мактаб кутубхоначисининг ишини республика миқёсида оммалаштириш.

2. Ўқувчилар орасида дарсликларни ораста сақлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри ташкил этиш мақсадида республика илмий кутубхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш.

3. Янги ўқув йили учун чоп этиладиган дарсликлар форматини кичрайтириш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритиш.

4. Босмахоналардан дарсликларни қабул қилиб олиш бўйича тасдиқланган тафсилот асосида балли тизимни жорий этиш мақсадида ДМҚ тасарруфидаги нашриётлар ҳамда бошқа нашриётлар ва босмахоналар билан расмий келишиш.

5. Дарсликлар ҳажмининг камайиши натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси сусаяди, деган хулосага қарама-қарши дарсликларнинг янги авлодини яратиш устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш. Шу асосда дарсликлар ҳажмини қисқартириш.

6. Интегратив-синов дарсликларини яратиш бўйича илмий-амалий иш бошлаш мақсадида Давлат фан-техника қўмитасига таклиф киритиш. Мазкур дарсликларни синовдан ўтказиш учун тажриба-синов майдонларини ташкил этиш.

7. Янги яратилган дарсликларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиш самарадорлигини ошириш мақсадида (инглиз тили дарслиги муаллифлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда) жойларда очиқ дарслар, семинарлар ўтказиш.

**Jarayon**

8. РТМ фан бўлимлари томонидан янги ўзлаштириш даражаси бўйича таҳлилий ишлар олиб боришни ташкил этиш. Бу ўринда ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида саволномалар тарқатиб, натижаларини таҳлил этиш, ҳисоботларни РТМ кенгашида муҳокамадан ўтказиш йўлга қўйилса, нур устига нур бўлур эди.

Шунингдек, дарсликларнинг муқобил (альтернатив) вариантларини яратишни ҳам ўйлаб кўриш зарур. Босмахоналардан олинган маълумотларга кўра 500,0 нусхадаги дарслик билан 100,0 нусхадаги дарсликнинг нархи бир хил экан. Назаримизда, муқобил дарсликлар яратиш қуйидаги натижаларни беради:

а) муқобил вариантдаги дарслик ўқитувчиларга танлаш ҳуқуқини беради;

б) ўқитувчиларнинг ижодий изланиши учун замин яратади;

в) муаллифлик монополиясига барҳам беради;

г) муаллифларнинг янги авлодини тарбиялайди;

д) муаллифлар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтиради;

е) нашриёт ва босмахоналар томонидан дарсликлар арзон нархда чоп этилишига сабаб бўлади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш билан бирга дарсликнинг сарварағида қайд этиладиган "Дарслик муаллифи", "Дарслик тузувчиси" тушунчалари бўйича муаллифлар ўртасида тушунтириш ишини олиб бориш учун юрист иштирокида семинар-машғулот ташкил этиш (масалан, "Ўқиш китоби", "Адабиёт", "Книга для чтения" ва ҳоказо), "Ўқувчиларни дарсликлар билан ижара йўли асосида таъминлаш" тизимини миллий дастур даражасига етказиш мақсадида РТМ томонидан ХТВ, ОРБ билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишни ҳам муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблаймиз. Хуллас, тажриба-синов жараёнида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тамойилларига таянилсагина, бу борадаги ишларимизнинг сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари янада ошиб бориши шубҳасиздир.

**Моҳира СОЛИҲОВА,**
**РТМ директори муовини**
**Сайёра ОТАХОНОВА,**
**РТМ "Ташкилий ишлар ва нашриёт бўлими" бош методисти**

# ТАНЛОВ ЎЙЛАНГАН НАТИЖАНИ БЕРДИМИ?

**Тадбирлар нима учун ўтказилади? Уларнинг барчаси ҳам яхши натижа берадими? Албаттта, бу саволларга турлича жавоб бериш мумкин. Агар тадбир ҳар томонлама пухта ўйлаб ташкил этилган бўлса, албатта, унинг самарадорлиги, фойдалилиги ошади. Бунга сўнгги натижага қараб ҳам баҳо бериш мумкин.**

**Оролни Қутқариш халқаро жамғармаси GEF Агентлиги Ўзбекистон Миллий ишчи гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ва «Ma'rifat» газетаси таҳририяти биргаликда ўтказган «Мен - Отам - Бобом (Мен - Онам - Момом) сувнинг аҳамияти ҳақида» мавзуидаги танловини самарали тадбирлардан бири бўлди, деб айтиш мумкин.**

**Бугун барчага аёнки, ўтган йиллар қурғоқчилик оқибатида жуда кўплаб хонадонлар, жамоа хўжаликлари, умуман юртимиз деҳқонлари азият чекдилар. Қолаверса, Оролнинг қуриб бориши оқибатидаги иқлим ўзгаришларини ҳам барча кўриб бораяпти. Ана шу жараён таҳлили натижасида фикр жамланса, ўзаро фикр алмашилса, боболардан турли ривоятлар эшитса ёш авлод сувга бошқача муносабатда бўла бошлайди. Биз буни иншоларда ёзилган дил сўзлари ор-қали билиб олдик. Ғолиблар иштирокида Тошкентда ўтказилган анжуманда уларнинг фикрларини эшитиб, ёшларимиз айрим катталар каби сувга бефарқ муносабатда бўлмасликларига ишондик.**

**Тадбир уч авлодни ўз ичига қамраганлиги ҳам унинг тўғри ташкил этилганлигини кўрсатди. Яъни унда оиладаги барча қатлам иштирок этди. Ўқувчи ўқитувчисидан топшириқ олиб, уйига дейлик ўғил бола бобосининг олдига бориб сув ҳақида фикр, турли ривоят ва ҳикоятлар сўрайди, ёзиб олади. Кейин отасининг кўмаги билан эшитганлари, ўзининг кўрганлари асосида иншо ёзди. Ўқувчи имкони даражасида атрофда сувга бўлаётган муносабатни аниқлаб олди, унда ўзининг ўрнини белгилади. У ҳар бир хулосасини юрагидан ўтказди. Кутилган натижа ҳам иншо ёзиш эмас, балки иншо ёзган ўқувчининг сувга муносабатини ўзгаргартириш эди.**

**Мазкур тадбир натижасида бир-биридан гўзал иншолар йиғилиб, китоб ҳолига келтирилиб, нашр этишга тайёрлаб қўйилди. Мазкур савобли ишга бош бўлиб келаётган GEF Агентлиги айни пайтда ушбу китобни молиялаштириш арафасида. Бу ҳам мазкур тадбирнинг беиз кетмаслигини белгилайдиган омиллардан биридир.**

**Ҳ.АБДУЛЛАЕВ**

# СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

## ТАНЛОВГА АСОСАН ТАРБИЯСИ ОҒИР БОЛАЛАР ЖАЛБ ЭТИЛДИ

**Tanlov**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

*Куни кеча пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 164-мактабида худди шу мақсадга йўналтирилган "Сиз қонунни биласизми?" номли кўрик-танловнинг туман босқичи якунланди. Таъкидлаш жоизки, танловнинг мазкур босқичида туман мактабларининг ўзбек синфларида таҳсил олаётган 173-мактабининг "Ҳақиқат посбонлари", 126-мактабнинг "Адолат" ҳамда 201-мактабнинг "Қалқон" гуруҳлари иштирок этган бўлса, айни шу тур баҳсларида рус тили синфларида ўқиётган 163-мактабнинг "Аланга", 280-мактабнинг "Адолат ҳимоячилари" ва 168-мактабнинг "Ҳуқуқшунос" жамоалари иштирок этишди. Ҳар иккала гуруҳларда қатнашган ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари бешта шарт бўйича кечган беллашувлар натижаларига кўра аниқланди. Муҳими, ҳар бир топшириқнинг ўқувчилар томонидан пухта ва аниқ бажарилиши кўрик-танловнинг муросасиз, курашларга бой тарзда ўтишини таъминлади. Айниқса, ўқувчиларнинг ҳуқуқий саҳна шартини бажаришдаги чиқишлари барчанинг эътиборини тортди.*

*— Саҳнада акс этган лавҳалар, — деди биз билан суҳбатда туман ХТБнинг мактабдан ташқари тарбиявий ишлар бўйича методисти Хайрия Сотиболдиева, — ушбу мактабларда ўқувчилар томонидан билиб-билмай содир этилган ҳуқуқбузарликлар мисолида, аниқ далиллар асосида саҳналаштирилган. Ушбу кўрик-танловга биз асосан тарбияси оғирроқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини жалб этишга ҳаракат қилдик. Чунки ўқувчи, аввало, саҳнада бирор жиноят содир этган ўқувчи образини ёритиш орқали унинг оқибатини ўзи ҳам ҳис қилади. Натижада эса бундай йўлларга киришдан ўзини сақлайди.*

*Дарҳақиқат, кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад — ўқувчи шуурига ҳуқуқий билимларни синг-дириш, уларда ҳаётга меҳр уйғотиш, ҳалоллик, покликка ундашда баъзи ютуқларга эришилди, десак муболаға бўлмайди.*

*Кўрик-танлов якунига кўра, рус синфлари ўқувчилари ўртасидаги баҳсларда 280-мактабнинг "Адолат ҳимоячилари", ўзбек гуруҳларидаги мусобақаларда эса 201-мактабнинг "Қалқон" жамоалари 1-ўринга лойиқ топилиб, шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритишди. Ғолиб жамоаларга фахрий ёрлиқлар ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.*

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ**

* * *

*Республикамиз ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятимизда қонуннинг устивор бўлишига эришиш, амалдаги қонунлар моҳиятини ўсиб келаётган авлодга тарғибот қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, жиноятчилик каби иллатларни бартараф этиш мақсадида пойтахтимизнинг Яккасарой туманида «Сиз қонунни биласизми?» мавзусидаги кўрик-танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда 118-, 26-, 91-мактабларнинг ўқувчилари иштирок этдилар. Кўрик-танлов 4 та шарт асосида ўтказилди. Жамоалар ўзларини таништирдилар. Шундан сўнг ўқувчилар асосий қонун ҳисобланмиш республикамиз Конституцияси, ундаги ҳар бир боб, бўлимлар, моддалар ҳамда уларда таъкидланган ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги саволларга жавоб бердилар. Шунингдек, ўқувчилар томонидан бадиий саҳна кўринишлари ҳам намойиш этилди. Қизғин мунозаралар остида бўлиб ўтган мазкур кўрик-танловда ғолибни аниқлаш анча мушкул бўлди. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, 118-мактабнинг ўқувчилари ғолиб, деб топилди.*

**Райҳон ХОЛМУРОДОВА,**
**«Маърифат» мухбири**



# ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

**Жиноятчини жазолагандан кўра, жиноятнинг олдини олган афзал. Дарҳақиқат, бугун Элликқалъа тумани ички ишлар бўлими вояга етмаганлар назорати инспекторлари шу ҳақиқатни тўғри англаган ҳолда фаолият юритаяптилар. Хусусан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан шуғулланувчи маъмурий комиссия, туман халқ таълими бўлими, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Бўстон агротадбиркорлик коллежи, Тўрткўл тиббиёт билим юртининг туман бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича қатор профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг ҳар хил норасмий диний оқимлар таркибига кириб қолишлари ҳолларининг олдини олишда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан 2000—2005-йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури асосида ИИБ, туман прокуратураси ва суди, халқ таълими бўлими ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалий анжуманлар ўтказиляпти.**

**Далилларга мурожаат этадиган бўлсак, туман ИИБ ВЕН инспекторлари ўтган 2001 йил мобайнида ҳар хил ҳуқуқбузарликлар содир этган 109 нафар ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Афсуски, уларнинг 81 нафари мактаб ўқувчилари, 2 нафари ўрта-махсус ўқув юрти талабалари ва 4 нафари ишчи, хизматчилардир. 22 нафари эса ҳеч қаерда ўқимай ва ишламай юрган ўспиринлар. Шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарларнинг 31 нафари қиз болалардир. Шундан 37 ўсмир якка тартибда ишлаш бўйича ҳисобга олиниб, уларга ўқиш ва иш жойларида — мураббийлар бириктирилди. Бундан ташқари, жойларда суҳбат ва баҳслар ташкил этилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар нафақат туман миқёсида, балки республикамизда жадал олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

**Ибодулла РОЗМАТОВ,**
**Элликқалъа тумани ИИБ инспектори, милиция майори**

# КОРЕЙС ТИЛИ КУРСИ

Бўз туманидаги корейс миллатига мансуб аҳоли учун она тилларини яхшироқ ўрганиш имконияти пайдо бўлди, 52 корейс оиласини ўз ичига олган маҳаллий корейс маданият маркази фаолларининг ташаббуси билан бу ерда корейс тили курси очилди.

— Ушбу курс 26-лицей ҳузурида очилди, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига марказ раҳбари Степан Ногай. — Машғулотларни Ирина Ким ўтказади. Ирина Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги таълим марказида малака ошириб келган. Ҳозир унинг ёрдамида кўпгина болалар она тилларини ўрганмоқдалар, илгари корейс тилини фақат катта авлод вакилларигина билар эдилар.

Бугунги кунда республикамизда юздан ортиқ миллат вакиллари дўст, аҳил бўлиб иноқликда яшамоқдалар, кўпларининг яшаш жойларида ўз маданият марказлари бор. Мазкур марказларнинг мақсади турли-туман халқлар ва элатларнинг ўз тилларини, анъана ва урф-одатларини қайта тиклашдан иборат. Бўз туманидаги корейс маданият марказида миллий ўзбек байрамлари, шонли саналари билан бир қаторда қамар тақвими бўйича янги йил, «Чинсен» ҳосил байрами каби корейсларнинг ўзига хос байрамлари ҳам нишонланади.

Марказ айни пайтда маҳаллий корейслар учун вилоят ва республикадаги, шунингдек ўз тарихий ватанларидаги корейс марказлари билан алоқа боғлаш имконини бераётган ташкилот ҳам бўлиб қолди.

**Андижон вилояти,**
**«Туркистон-пресс»**

# ПАТЕНТ — ЗАКОВАТ МЕВАСИ

**Yangilik**

**Юксак ақл соҳиби — инсоният яратаётган ихтиро ва кашфиётларнинг саноғи йўқ. Разм солсак, кундалик ҳаётимизда бизга беминнат хизмат қиладиган телефондан тортиб, соату қаламгача, фазовий кемалару компьютер ҳам заковат меваларидир. Одамзот табиати шундай. У шов-шувга ўч, янгиликни қўллаб-қувватлайди, шон-шуҳратни яхши кўради.**

**Лекин шуниси ҳам борки, ихтирони ҳар ким ҳам ярата олмайди. Янгилик ижодкорида уни ўзгалардан ажратиб турувчи заковат юксакдир. Мия ва ақлни бир чизиққа туташтириб, бунинг натижасида ихтиро яратган замондошларимиз Фан ва техника давлат қўмитаси қошидаги республика патент идорасининг гувоҳнома ва патентларини олишмоқда.**

## САЙЁҲЛАРГА КЎРСАТМА

Ўзбекистонга минг-минглаб сайёҳлар келишади. Бу юрт ҳақидаги тасаввур, албатта, кўргандагидан бошқача. Ўзга мамлакат фуқаросига саёҳат учун олдиндан йўлланма бериш мумкинми?

Мумкин, фақат оғзаки усулда ёки суратлар, фильмлар воситасида. Энди эса бунга компьютер ёрдам беради. Тошкент Давлат техника университети компьютер технологиялари факультети 2-курс талабаси Одил Ниқобанбоев ана шу муаммони ўрганиш устида ишлаб, махсус дастур яратди. У ўтган йили Фан ва техника Давлат қўмитаси уюштирган "Йилнинг энг яхши дастур маҳсулоти" танловида биринчи ўринга муносиб топилган, яъни диплом ва гувоҳномага эга бўлган эди. Одилнинг компьютер воситасида яратган алоҳида "Web — саҳифа"сига республика патент идорасининг гувоҳномаси ҳам берилди.

Талабанинг ақлий меҳнат маҳсулидан "Ўзбектуризм"да унумли фойдаланишмоқда. У сайёҳлар учун беминнат маълумотномадир.

## ҲАР ЖИҲАТДАН ҚУЛАЙ АМОРТИЗАТОР

Узун тасмадек чўзилиб кетган поезд темир йўлларида бир маром сақланиши керак. Улкан техника қанчадан-қанча юкларни юртимиздан ўзга давлатларга, бошқа ҳудудлардан эса Ўзбекистонга ташийди. Поезд орқали ўз манзилига етиб келаётган йўловчилар ҳам миллионлаб.

Темир йўл транспорти тармоқларида шу пайтгача фойдаланилиб келинаётган амортизатор ўрнига бошқаси яратилди. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг бир гуруҳ тадқиқотчилари бунинг учун анча йил изланишди. Муаллифлар таркибида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси локомотив хўжалик хизмати бошлиғи Юсуф Ҳайдаров, электромеханика факультети декани Шерзод Файзибоев, "Электротранспорт" кафедраси мудири Галина Хромова ҳамда институт аспирант ва магистрантлари бор.

"ВЛ 60" русумли электровозлар учун мўлжалланган мослама ишқаланиш кучи билан аниқ маромда ишлайди. Тепловозларни қаттиқ урилиш ва тебранишлардан сақлайди. Ишлаш муддати аввалгисидан икки баравар кўп.

Иш жараёнида фойдаланиш коэффициенти ҳар жиҳатдан юқори мослама темир йўл транспорти тармоқларида синаб кўрилди. Тавсия қилинган конструкцияга 10 та жойда ижобий баҳо берилди.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

*Санъат деганда фақат гўзалликни кўз олдингизга келтирсангизу шу ном остида маънавий тубанлик, беҳаёлик акс этган лавҳаларни кўрсангиз, эшитсангиз, бундан қандай мақсад кўзланганини ўйлаб азият чекмайсизми?*

*Уларнинг фикрича, мазкур лойиҳа "буюк асрнинг буюк лойиҳаси"дир.*

Fikr



# МУСИҚА РУҲ ОЗИҒИ БЎЛСИН

## санъат халққа зиё тарқатмоғи даркор

Замонавий ўзбек мусиқа санъати бугун қайси йўлдан одимламоқда? Миллийлик, миллий мафкура каби фундаментал тамойиллар мусиқа маданиятимизда қай йўсинда, қандай бадиий савияда акс этяпти? Бугунги "шарқона" мусиқий тафаккуримизнинг ўтмишдагисидан фарқланадиган афзал жиҳатлари борми? Борлари ҳам йўқотишларимиз ҳисобига топганларимиз эмасми? Мусиқий ва умуман, бадиий-эстетик дидимиз, маданиятимиз даражаси ғурурланишга арзийдими?

Санъат — ижтимоий онгнинг бир тури, кенгроқ мушоҳада этсак, асл санъат идеал мафкура демакдир. Ҳатто юксак тараққий этган фан ва техника воситалари ҳам ечимини топа олмаётган муаммоларни санъат воситасида ижобий ҳал этиш, инсоният тақдирида муҳим ўзгаришларга эришиш мумкинлиги муболаға эмас. Айниқса, мусиқа кўҳна санъатлар сирасида инсонга табиатан хос, таъсир қуввати беқиёс санъат сифатида алоҳида мавқега эга. Мусиқанинг юксак бадиий-эстетик қиммати, кучли руҳий-маънавий таъсири, тарбиявий аҳамияти хусусида ўрта асрларга мансуб илмий ва бадиий адабиётларда талайгина эътиборга лойиқ фикрлар мавжуд. Аждодларимиз мусиқани илоҳий гўзаллик, латиф санъат сифатида асрлар оша эъзозлаб келганлар. Қолаверса, биз ҳам кундалик ҳаётимизни мусиқасиз тасаввур эта олмаймиз. Аммо шуниси аниқки, фан ва техника мислсиз тараққий этган тезкор аср авлодлари тасаввуридаги мусиқа тушунчаси ўтмишдошлар талқинидан мазмун ва шакл жиҳатларидан анчагина фарқланади.

Маълумки, санъатнинг, хусусан, мусиқа санъатининг бирламчи вазифаси жамиятни маънан ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш, камол топтиришдир. Таассуфки, сўнгги вақтларга келиб, мусиқа санъати ўзининг асл маънавий-тарбиявий мазмун-моҳиятини деярли йўқотиб бормоқда. Назаримда, ушбу салбий ҳолатнинг туб томирлари яқин ўтмишга бориб тақалади.

Ўтган асримизнинг инқилобий қайта қуришлар руҳи санъатга ҳам таъсир қилмай қолмади. Мисол учун, пролеткультчилар ва футуристларнинг ўтмиш санъатидан воз кечиш ҳақидаги ғояларини эслаб кўрайлик. Анъанавий санъатни улар ўтмиш буржуазиясининг сарқити деб эълон қилдилар. Тарих шоҳидки, муаззам Шарқда илгарилари фақат нозиктаъб, маънавий баркамол ва хос кишиларгина англай оладиган нафис санъатимиз шўролар замонасининг "санъат — халқникидир", деган ялпи шиори остида омма дидига мослаштирила, жўнлаштирила борилди. Муайян мафкуравий мақсадни кўзлаб айтилган ушбу иборанинг кенг татбиқи пировардида "йўқсиллар санъати", "умумсанъати" деган тамойил қарор топди ва бу совет кишилари онгига сингиб кетди. Аслида эса, шахснинг эстетик жиҳатдан баркамол бўлиши учун санъатни "тушунарлироқ" қилиш, "ҳаммабоп" даражага тушириш шарт эмас эди, балки инсонларда санъатга бўлган эҳтиёж ҳиссини тарбиялаш, ривожлантириш лозим эди, холос.

Ваҳоланки, Шарқ мусиқа санъатида (адабиёт ва санъатнинг деярли барча турларида бўлгани каби) ҳамма даврларда хавос (хосса) ва авом (омма) қатламлари фарқланган. Ҳар қайси қатлам вакиллари ўз мавқеи ва имкониятларини яхши англаган ҳолда, ортиғига даъво қилмаганлар ёки жўнроғини эп кўрмаганлар. Ўрта ва қуйи табақа аҳолининг ўзига хос (ҳаваскорлик), юқори табақанинг бадиий талаблари юксак бўлган (профессионал) санъати маълум йўналишларда бардавом тараққий этган. Ҳозирда ҳам мусиқий амалиётимизда "элитар" ва "оммавий" мусиқага бўлиниш мавжуд бўлса-да, аслида улар ўртасидаги чегара аввалгидек эмас. Гўё ҳар икки тараф ҳам "олтин ўрталик"ка, муросасозликка қараб кетаётибди. Оқибатда, замонасоз, буюртма асарларнинг тоши маънавий-руҳий озуқа даражасидаги соф санъат асарлариникидан оғирроқ келмоқда. Энди мусиқий асарнинг фалсафий-маънавий ва бадиий-эстетик қиммати илгаригидек аҳамиятли эмасдек. Аксарият ҳолларда қўшиқ ёки куйнинг кўнгилочар восита сифатидагина аудиторияни жалб этиши ва шу маънодагина оммалашуви ижрочи-ижодкорларнинг асосий мақсадларига айланиб қолаётгандек, назаримда. Зероки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Маданий-маърифий муассасалар ёшларни ҳақиқий санъат, чинакам бадиий гўзаллик руҳида тарбиялаш масканлари бўлмоғи лозим. Маданият ва санъат соҳаларининг бутунлай тижорат асосида ташкил этилишига, ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз миллий қадриятларимизга ёт асарларнинг етакчи ўринни эгаллаб олишига йўл қўймаслик керак".

Надоматлар бўлсинки, ҳозирги кунда улоқ жўн ва саёз мусиқада кетаётибди. Ким кўп — катта санъаткорлар соясида юрган "ёш санъаткорлар" кўп. "Юлдуз"ларнинг "хит"ларини ўрганиб олиб, бир нави ижро этаётган ҳаваскор-дилетантларнинг саноғига ета олмайсиз. Улар ижросидаги бемаза "муаллифлик" қўшиқлари-ку, аллақачон тингловчининг меъдасига тегиб бўлган. Маиший ҳордиқ соатларимиз, умуман, кундалик ҳаётимиз, истаймизми-йўқми — чаласавод ҳаваскорлар ижросидаги "дурдона"лардан бебаҳра ўтмайди. Энг хавфли жиҳати, шоир айтмоқчи, ёшларимизнинг (уларнинг орасида хослар ҳам бор!) қулоғи беихтиёр Матмусаларнинг нағмаларига кўникиб, одатланиб бораётганлигида. Кўникибгина эмас, дид ва савия нуқтаи назаридан ҳам мослашиб (!!!) бораётганлигида.

"Оммавий маданият"нинг суқилиб киришига қарши курашнинг энг яхши воситаси — юксак профессионализмдир. Шу ўринда бир масалага, яъни санъат ва истеъмолчи муносабатларига ойдинлик киритиб олиш зарурати туғилади. Мухлис санъатдан нимани кутадию аслида нимага эга бўлмоқда?

Мусиқа санъатимизнинг бугунги аҳволини ижтимоий воқеликнинг жузъий инъикоси сифатида баҳолаш табиийдир, эҳтимол. Зеро, санъатнинг исталган тури муайян даврнинг ижтимоий кайфияти, интилишлари, маънавий қиёфаси, бадиий-эстетик дидини акс эттиради.

Нарса ва ҳодисаларнинг ўз номи билан аталгани яхши-да. Юқорида бежиз "хосса" ва "омма" санъати ҳақида гапирмадик. Тан олиш керак, ўзларини замонавий деб ҳисоблайдиган аксарият ёшларнинг мусиқий саводхонлиги, диди ва савияси, умуман, маънавий қиёфаси мақтагулик даражада эмас. Шу ўринда маданий ҳаётимизнинг бугунги воқеликларидан бирига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бизнинг профессионал санъатимиз тақдирини, Ғарбдагидек, омманинг молиявий имкониятлари ҳал этмайди. Шунинг учунми, бизда санъатнинг тараққиёти, асосан, тингловчи-томошабиннинг зиёлилик даражасига боғлиқ бўлиб қолган. Сир эмаски, санъаткорлар — улар мусиқачи бўладими ёки актёр — кўпинча саводхон, тафаккури кенг ва дидли мухлисларнинг тор доирасига умид боғлайдилар. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу шундан далолат берадики, мухлис-ёшларда ижодий талқинлаш, таҳлил этиш кўникмаси, саралай билиш малакаси етарлича эмас. Оддий бир мисол. Овозли ёзувлари катта ҳажмда истеъмолга чиқарилган, ТВ ва радио тўлқинлари орқали кенг тарғиб-ташвиқ этилаётган ёш ижрочи гуруҳлар, хонандалар — улар хоҳ профессионал бўлсин, хоҳ ҳаваскор — ёшлар наздида "санъаткор"дир. Таажжубки, ушбу сўз замиридаги нозик ва залворли маъно, масъулият ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Афсуски, тингловчи-ёшлар тушунчасида санъат бугун асосан касб-бизнес маъносидагина қадр топмоқда. Бугунги "санъат ишқибозлари" дилетантларни санъатни касб қилиб тирикчилигини ўтказаётган кимсалар деб эмас, бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг моддий таъминоти учун ҳаракат қилаётган тадбиркорлар сифатида силлиққина талқин этмоқдалар. Аслида бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Ҳар қандай инсон муайян воқеа-ҳодисани ўз тафаккури доирасидагина таҳлил эта олганидек, тингловчи-мухлис ҳам ижрочи ва мусиқий ижрога ўз савиясидан келиб чиқиб, нисбий баҳо беради. Аҳвол шундай бўлгач, санъатфурушлик ҳам "Тирикчиликнинг айби йўқ" қабилида айбситишлардан холи қолаверади-да.

Масаланинг ташвишли томони шундаки, улғайиб келаётган ёш авлоднинг мусиқий диди асосан шу савия доирасида шаклланиб бормоқда.

Бугун оммавий мусиқа замонавий ўзбек маданиятининг энг эътиборталаб соҳаларидан бўлиб қолди. Эътироф этиш кераки, мазкур соҳанинг ўзига яраша ютуқлари бор, муаммолари-да, анчагина. Кези келганда қайд этиш лозимки, жаҳон эстрадасининг илғор йўналишлари, ижро услублари ўзлаштирилиб, ижрочилик амалиётига татбиқ этилаётгани таҳсинга сазовор. Аммо бу кўп ҳолларда гоҳо Ғарб, гоҳо хорижий Шарқ санъатига кўр-кўрона тақлид шаклида амалга оширилмоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маданиятида "авангард"чилик тамойили бу қадар ҳаддидан ошган эмас. Қолаверса, у ерда биздагидек мислсиз таассублик даражасини ҳам кўрмаймиз. Аксинча хорижий Шарқ санъатининг миллий ифодавийлиги нисбатан оригинал, ўзига хос. Ҳар ҳолда дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, замонавий араб, эрон, турк ёки ҳинд мусиқаси янграгудек бўлса, унинг муаллиф — халқи, нисби-насаби дарҳол англанади. Афсуски, замонавий ўзбек эстрада мусиқаси ҳақида бундай дея олмаймиз. Хорижий Шарқ мусиқаси вакиллари бирор янгиликни ўзлаштириб, ижрочиликка жорий этар эканлар, буни, албатта, мусиқий анъаналар доирасида амалга оширадилар. Керак бўлса, Ғарб тамаддуни орқали кириб келган оврупоча чолғуларни ҳам шарқона оҳангларда "гапиртиришга" ҳаракат қиладилар, фақат Шарқ мусиқасигагина хос бўлган чорак, нимчорак пардали товушқаторлар, усул(ритм) доиралари ва бошқа ифодавий воситалардан самарали фойдалана биладилар.

Турган гапки, Оврупо мусиқаси ютуқларидан "ўғирланган" услублар, жанрлар билан оврупоnикларни доғда қолдиришимиз мушкул. Шундай экан, бу ишланмалар — сўз ва куйнинг мантиқсиз "ямалиши"дан ҳосил бўлган "композиция"лар кимга ва нима учун керак? Асл мусиқий тафаккури буткул ўзгача бўлган ўзбек тингловчисига зўрма-зўраки сингдириш учунми? Таъбир жоиз бўлса, Ғарбни Шарқ ҳамиша кўҳна ва барҳаёт анъаналари, ўзига хос бадиий тафаккури, бой мероси билан жалб этиб, ҳаваслантириб келади-ку! Узоққа бормайлик, мумтоз мусиқамизни маҳорат билан ижро этиб келаётган Турғун Алиматов, Қаҳрамон Дадаев, Абдуҳошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева каби эл ардоғидаги санъаткорларнинг хорижий мамлакатлардаги юксак профессионал муваффақиятларидан бохабармиз-ку?! Неча минг йиллардан бери оғзаки ҳолда авлоддан-авлодга узатилиб келаётган бой мусиқий анъаналаримиз, илмий-назарий меросимиз хорижлик сайёҳларни қанчалар қойил қолдираётганига гувоҳмиз-ку, ахир!

Табиийки, ҳар қандай ижрочининг маҳорати бир мезон билан ўлчанавермайди. Мусиқий саводи бору қобилияти ҳаминқадар ёхуд овози зўру дид масаласида нўноқ ижрочилар йўқ дейсизми? Қолаверса, ҳақиқий санъат асарининг дунёга келиши учун мусиқий қобилият, дид ва саводхонликнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун яна муайян вазият, руҳий ҳолат ҳам бўлиши шарт. Албатта, барча зарурий жиҳатларни ўзида мужассам эта олган, ўзига нисбатан талабчан, изланувчан мусиқачигина санъаткор деган юксак мақомга лойиқ.

Санъат ўзининг барча шакл ва турларида маънавият, руҳият озиғи бўлиши лозим, яъни у "тадбиркор"лар воситачилигида моддий фаровонликнинг асосий манбаи бўлиб қолмаслиги керак. "Санъат эркинлиги" тушунчаси ҳар бир санъаткорнинг имкониятларини юзага чиқармоғи лозим, аммо буни дидлар бошбошдоқлиги билан алмаштириш ярамайди. Санъат халққа зиё таратишга ҳисса қўшмоғи, кишилар диди, маънавиятини бойитишга хизмат қилмоғи даркор. Шу жиҳатдан бизнинг зиёли санъаткорга эҳтиёжимиз бениҳоя баланд. «Зиёли» сўзига бежиз урғу бермадик. Зеро, "олий маълумотли" ва "зиёли" сифатлари ўртасида катта фарқ борлигига кўпда аҳамият бера вермаймиз. Қолаверса, санъат деганда фақат гўзалликни кўз олдингизга келтирсангизу шу ном остида маънавий тубанлик, беҳаёлик акс этган лавҳаларни кўрсангиз, эшитсангиз, бундан қандай мақсад кўзланганини ўйлаб азият чекмайсизми? Сиз-ку майли, оқни қорадан ажратишга лаёқатсиз, тажрибасиз минглаб ёшлар буни қандай бўлса, шундайлигича ҳазм қилса, уларнинг тасаввуридаги санъат, нафосат, мавзунлик тушунчаси ана шулардангина иборат бўлиб қолса-чи...

**Ирода ДАДАЖОНОВА,**
**мусиқашунос**

# ГЎЗАЛ ХУЛҚЛИ БЎЛИШДА МУСИҚАНИНГ ЎРНИ

**Мусиқа тўгараги нафақат санъатга, балки ўқувчи-болаларни ёшлик пайтидан дўстликка, меҳр-оқибатга, ўз фикрини тўғри баён этишга ундайди. Шунингдек, уларни руҳан тетик ва маънавий гўзал қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга.**

**Гўзаллик — инсонга шодлик, хурсандчилик, умидвор куч бағишлайди, унинг руҳий кайфиятини оширади. Ўзида гўзалликни мужассамлаштирган инсон эса катта куч ва ишончга эга бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчи ёшларни гўзал руҳда тарбиялаш биз ўқитувчиларнинг асосий вазифаларимиздан биридир.**

**Бизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 192-мактабда 1986 йилда хор тўгараги ташкил қилинган бўлиб, у ҳозирги пайтда туманимизнинг етакчи хор жамоаларидан ҳисобланади. Туманда ҳар йили бўлиб ўтадиган "Ўзбекистон қўшиқ байрами" ва бошқа кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. 1992 йилда хор жамоамиз шаҳар миқёсида ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этиш кўриги"да иштирок этиб, Самарқанд шаҳрига саёҳат қилиш учун бепул йўлланма билан тақдирланди.**

**Шу ўринда тўгарак ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман. Аввало, хор тўгарагини ташкил қилиш мусиқа раҳбарининг асосий вазифаларидан бири ўқувчи-болаларга қўшиқ айтишни ўргатиш ва санъатнинг бу турига нисбатан уларнинг ҳавасини орттиришдир. Шунинг учун мураббий болаларни ёшлик пайтидан мусиқани тинглаш, севиш, тушуниш, ўрганган қўшиқларини чиройли ижро этишга қобилиятли, руҳан тетик ва маънавий баркамол қилиб тарбияламоғи лозим.**

**Буларнинг ҳаммасини фақат кўп йиллик меҳнат билан амалга ошириш мумкин бўлиб, мен уларнинг бу ишларини уч босқичга бўлганман:**

**1. Хор тўгараги ташкил қилиш ва унинг мақсади.**
**2. Тўгаракнинг болалар тарбиясига таъсири.**
**3. Ўқувчи-болаларнинг касб танлашларида хор тўгарагининг аҳамияти.**

**Мактабда юқори синфларга дарс берганлигим сабабли одатда 3-дан 4-синфга ўтган ўқувчилардан чиройли овози ва қобилияти борларини ажратиб оламан. Менимча, хор жамоаси тузишдан олдин биринчи ва иккинчи ойлари асосий ва тайёрлов гуруҳларда кичик-кичик, уч ва тўрт ўқувчидан иборат дасталар тузиб, уларга шўх, овозларига мос қўшиқлар ўргатилиши керак. Бу билан биз ўқувчиларни қўшиқ айтишга қизиқтириб, уларни саҳнада ўзларини тута билишга ўргатамиз.**

**Шунингдек, биринчи машғулотларданоқ тўгарак раҳбари ҳар бир бола билан мусиқавий қобилияти, характери, дунёқараши, руҳий кайфияти, қизиқувчанлиги билан танишиб чиқиши зарур. Ана шундагина мақсадга эришиш мумкин. Шунингдек, пассив ўқувчиларни машғулот жараёнларида фаол бўлишга ундаш керак.**

**Иш тажрибамда шундай болаларни кўрганманки, улар нафақат мактаб ҳаётида, балки ўз синфида ўтказилаётган тадбирлардан ҳам четда қоладилар. Афсуски, бундайлар келажакда фақат ўзлари учун яшайдиган ва ўзларини ўйлайдиган инсонлар бўлиб етишадилар. Шу сабабли биз ўқитувчилар ўқувчиларни аълочигина қилиб эмас, балки уларда инсоний фазилатларни ёшлик пайтидан ривожлантирмоғимиз лозим. Ҳаётнинг паст-баланд йўлларини тўғри кўрсатишимиз ва уларни ўз кучига ишониб яшашга ундамоғимиз зарур. Ўқитувчи ўқувчилар олдида мисоли ойнадир. Шунинг учун ҳам у доимо олийжаноб, камтарин, меҳрибон, хушфеъл ва дилкаш, соф виждонли, ҳар томонлама етук бўлмоғи керак. Зеро, бундай мураббий шогирдлари олдида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб, уни бир умрга ҳақиқий устоз деб эслаб юришларига эришади. Хулоса қилиб айтганда, фақат тўгаракларгина эмас, балки бошқа турли омиллар ҳам болани ёшликдан дўстликка, биродарликка, меҳр-оқибатга, ўз фикр-мулоҳазаларини тўғри баён этишга, маънавий савиясининг ўсишига катта ёрдам беради.**

**Юсуф ҚУРБОНОВ,**
**Шайхонтохур туманидаги 192-мактабнинг олий тоифали мусиқа ўқитувчиси, Халқ таълими фидойиси**

# МАЪНАВИЯТ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ

*Жамиятимиз тараққиётини тезлаштириш ва жадаллаштиришнинг сиёсий, иқтисодий омиллари билан бир қаторда яна бир муҳим асоси ҳам бор. Бу — юксак маънавият ва маърифатга эришиш. Бошқача айтганда, шахснинг маънавий-маърифий камолоти мамлакат ривожининг гарови саналади.*

*Дунёдаги ҳар қандай давлат ўз тараққиёти жараёнида доимо маънавиятга эҳтиёж сезган. Чунки бу тарихий зарурият саналади. Маънавиятнинг аҳамияти мамлакатнинг бурилиш даврида, айниқса, беқиёс бўлади. Келажакда буюк давлат эгалари бўладиган комил инсонни тарбияламасдан туриб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмас.*

*Маълумки, инсоният ҳеч қачон маънавият ва маърифатсиз яшамаган. Маънавий баркамол инсонларга эҳтиёж сезмаган жамият ҳам тарихда бўлган эмас. Маънавият — бу буюк неъмат. У оламдаги мавжудотлар ичида фақат одамзодгагина насиб этган.*

*Маънавиятга эга бўлишнинг асосий шартларидан бири ҳалол меҳнатдир. Кимда-ким меҳнат қилишдан қочмаса, қийинчиликлардан қўрқмаса, ғайрат-шижоатли бўлса, ҳозирги замон фанлари, ўтмиш маданий меросимиз, тарихимиз, урф-одатларимизни, авлод-аждодларимиз илмий билим хазиналарини тинмай ўргансагина юксак маданият ва маънавият соҳиби бўла олади.*

*Келинг, азиз юртдошлар, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш учун, аввало, ўз маънавиятимизни такомиллаштиришга ҳаракат қилайлик.*

**Юлдуз ШАРИПОВА,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети 3-курс талабаси**



# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — КЎҲНА МАДАНИЯТ

*"Ўзавтойўл" давлат акциядорлик концерни қошида "Буюк Ипак йўли" илмий тадқиқотлар маркази фаолият юрита бошлаганидан хабарингиз бор. Маълумки, Буюк Ипак йўли мамлакатимиз ва дунё халқлари тарихи ҳамда тараққиётида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳли қаторида кўплаб хорижий давлатлар ҳам Буюк Ипак йўлининг мавқеи яна тикланишига кўз тикмоқдалар. Қадимда ушбу йўл орқали асосан қандай маҳсулотлар ташилган ва бу ҳолат давлатлар иқтисодиётида қандай ўрин тутади? Шу каби саволларга жавоб топиш ниятида "Буюк Ипак йўли" илмий тадқиқотлар маркази бош мутахассиси Зокир Раимжонов билан суҳбатлашдик.*

**— Зокир ака, табиийки, сиз фаолият юритаётган марказ бу тарихий йўл билан боғлиқ маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, тарихий ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади. Хўш, Буюк Ипак йўли орқали ташилган маҳсулотлар ҳақида шу кунга қадар қандай фикрлар мавжуд эди ва бугун қандай янги маълумотлар бор?**

— Аввало айтиш жоизки, илмий тадқиқотлар марказида бугунги кунгача анчагина илмий ишларга қўл урилди. Қадимги Хитой манбалари ва бошқа кўплаб тарихий қўлёзма манбалардан Буюк ипак йўли ҳақида маълумотлар тўпланди. Марказимизга бу ҳақда билишга қизиққан одамлар ҳам "Нима учун у "Буюк Ипак йўли" деб номланади ва бу йўлда нима ташилган?" каби саволлар билан мурожаат қилмоқдалар. "Буюк ипак йўли" атамасини дастлаб олмон шарқшунос ва географ олими Фердинанд Рихтгофен 1877 йили нашр қилинган "Хитой" номли асарида ишлатган. Ф.Рихтгофен "Буюк ипак йўли" деб аташининг асосий сабабларидан бири — ўша даврлардаги кўпчилик карвонларнинг ташийдиган асосий юкларидан бири ипак матоси эди. Шуни айтиш керакки, Буюк Ипак йўлида ташилган маҳсулотлар барча даврларда ўзига хос бўлган. Масалан, карвонлар, албатта, Хитойдан Мисрга ёки бошқа давлатга бориши шарт бўлмаган. Буюк Ипак йўлининг иккала — Шимолий ва Жанубий йўли ҳам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари катта-катта карвонлар йўлининг кесишув жойи бўлганлар. Хитойдан олиб келинган матолар, турли зебу зийнатлар, Ҳиндистондан келтирилган зираворлар шу шаҳарларда айирбош қилинган. Миср, Боғдод тарафлардан араби отлару зийнатланган эгар-жабдуқлар, қадимги Сўғдиёна ва Марғиёнада ишланган халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари ва туркман зотли тулпорлар шу ерда сотилган ёки сотиб олинган. Ўша даврдаги энг катта карвонсаройлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлган. Шунинг учун карвонлар асосан мазкур шаҳарларда учрашиб, ўзига керакли молларни олганлар, бошқаларга зарур маҳсулотларни сотганлар ва шу ердан ортларига қайтганлар. Таъкидлаш ўринлики, ҳар бир карвоннинг ўзи юрадиган йўли, ўзи бож тўлайдиган жойлари, ўз қонун-қоидалари бўлган.

Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, маҳсулотларни ташишда карвонларга сув йўлини кесиб ўтиш ўта машаққатли вазифа бўлган. Бу пайтда иккала қирғоққа арқон тортиб қўйилар экан. Сўнгра арқон орқали олдин юк ортилган урғочи туялар ва изидан нортуялар ўтказиларкан. Шу вақтга қадар туя сувда суза оладими, йўқми, деган савол атрофида мунозарали фикрлар айтиларди. Мана бу саволга ҳам аниқ жавоб топилди — туя сувда суза олади.

Яна бир қизиқ далил — шу кунгача Дамашқ пўлати дунёда машҳур саналиб келинарди. Лекин аслида бундай эмас экан. Яна тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўша мақталиб келинган Дамашқ пўлати аслида Ҳиндистондан Дамашққа келтирилиб қайта ишланар экан. Асл ҳақиқат шу тариқа махфийлигини йўқотди.

**— Ўтган йилнинг ўрталарида "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик концернида Буюк Ипак йўли билан боғлиқ халқаро анжуман ўтказилган эди. Бундан кўзланган мақсад нима эди ва бу борада қандай натижаларга эришилди?**

— Халқаро анжуманнинг мақсади хорижликлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш эди. Қолаверса, анжуманда Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш лойиҳасини мамлакатимиздаги йирик корхоналар ва дунёнинг кўплаб етакчи корпорацияларини жалб қилган ҳолда биргаликда қуриб чиқиш ҳамда қайта қуришни режалаштириш асосий вазифамиз бўлди. Азалдан маълумки, Хитой Буюк Ипак йўли тарихида муҳим ўрин тутади. Ҳозир ҳам бу республика мазкур лойиҳага катта қизиқиш билан қарамоқда.

Анжуманда "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик концерни концерциуми директорлари кенгаши раиси Омон Бўронов лойиҳа ҳақида маълумот берган эди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 августдаги 396-сонли қарорига мувофиқ тезюрар Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот автомобиль йўлини қуриб, амалиётга татбиқ қилиш режалаштирилган. Бу йўлнинг умумий узунлиги 2294 километр бўлиб, шундан 802 километри катта шаҳарларга олиб борадиган ҳалқа йўлидир. Лекин бу йўллар ушбу катта шаҳарлардан ўтмайди. Масалан, Тошкентдан 50 километр масофада жойлашган Олмалиқ томондан ўтади. Чунки лойиҳада экологик вазият ҳисобга олинган. Автомобиллар олти қатор бўлиб ҳаракатланувчи йўлда 954 та кўприк, 24 та катта йўл кесишган жойлар бўлиши лойиҳаланган. Айтиш жоизки, мазкур лойиҳада йўл қурилишлари ва инфратузилмалари бўйича барча халқаро тажрибалар ҳисобга олинган.

Юқорида таъкидланганидек, бу лойиҳа хитойликларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Хитой муҳандислик-геологик тадқиқотлар корпорацияси масъул ходимлари шундай деди: "Корпорациямизнинг асосий вазифаси сув тозалаш, гидротехник иншоотлар, дренажлар, тоннеллар қуришдир. Айтиш мумкинки, бизнинг корпорация дунёдаги таниқли корпорациялардан саналади. Бизларни ҳам бу лойиҳанинг амалга оширилишига таклиф қилсангиз, ҳеч иккиланмай бирга ишлашга розимиз". Уларнинг фикрича, мазкур лойиҳа "буюк асрнинг буюк лойиҳаси"дир.

* * *

*Кейинги суҳбатларимизда "Буюк ипак йўли" тарихи, унинг тарихий аҳамияти, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида батафсил сўз юритамиз.*

**Ҳусан НИШОНОВ**
**суҳбатлашди.**

# ФАЗЛУ ҲУНАР АҲЛИНИНГ РАҲНАМОСИ

## Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Алишер Навоий ва унинг замондошлари хусусида

**Ўрта асрларда Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк муаррихлардан бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдар 1500 йили Тошкент шаҳрида туғилди ва тақдир тақозоси билан ўз умрининг кўп қисмини хорижий ўлкаларда ўтказиб, 1551 йили Кашмирда вафот этди. Мирзо Ҳайдар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг холаваччаси бўлиб, ота-онасидан ёш қолгач, бир неча йил Бобурнинг тарбиясида бўлди. Унинг қалбида Бобур ёққан илму маърифатга муҳаббат ўти Мирзо Ҳайдарнинг ҳаёти охиригача ўчмади. Ҳаётининг кўп қисми саргардонлик, сафарлар ва ҳарбий юришларда ўтганига қарамай, Мирзо Ҳайдар яхшигина маълумот олишга эришди. «Бобурнома»даги Мирзо Ҳайдарга бағишланган ушбу сатрлар унинг истеъдоди даражасини кўрсатади: «Хат ва тасвир, ўқ ва пайкон ва зеҳгир — ҳар нимага илиги часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Менга арзадашти келиб эди, иншоси ҳам ёмон эмас».**

**Улуғ Бобурнинг бу юксак баҳосига муносиб равишда Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ўз она тилида бир неча достон ва «Бобурнома»дан илҳомланиб форсийда «Тарихи Рашидий» номли ажойиб тарихий-бадиий асар битди. «Тарихи Рашидий» XV аср охири ва XVI аср биринчи ярмида Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкаларнинг ижтимоий-сиёсий тарихи ва маданиятини ўрганишда қимматли манбадир. Илмга чанқоқ Мирзо Ҳайдар ўз даврининг кўплаб машҳур тасаввуф аҳли, олим, шоир, мусаввир, хаттот ва санъаткорлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг баъзиларига шогирд ҳам тушган. У «Тарихи Рашидий» асарида ўша даврдаги маданият намояндалари ҳақида нодир маълумотларни келтиради. Ҳусайн Бойқаро давридаги Хуросонда маданий ҳаёт мисли кўрилмаган даражада юксак бўлгани ҳақида сўзлар экан, турли соҳалардан етишиб чиққан фозил кишиларнинг аксарияти Амир Алишер Навоийнинг тарбияси, ғамхўрлиги ва ҳомийлигидан баҳраманд бўлишганини таъкидлаб ўтади. Қуйида Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг Алишер Навоий ва унга замондош бўлган маданият арбоблари ҳақидаги маълумотлари билан танишасиз. Мазкур лавҳалар асарнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган XVII асрда кўчирилган қўлёзма нусхасидан таржима қилинди.**

### МИР АЛИШЕР ЗИКРИ

Унинг тахаллуси Навоийдир. Туркий шеърни ундан олдин ва ундан кейин, ундан кўпроқ ёки у айтган миқдорда ҳеч ким айтмагандир. Бу фанда у устоздир ва унинг туркий шеърлари шуҳрати мулло Жамшиднинг форсий шеърлари шуҳратига тенгдир. Аммо унинг форсий шеърлари ҳам кўп бўлиб, форсийда «Фоний» тахаллусини олган. У Хожа Ҳофиз Шерозийнинг девонига жавоб айтган ва Хожа Хусравнинг «Баҳрул аброр» қасидасига ҳеч ким унинг даражасида жавоб айта олмаган. У қасида (Алишер Навоийнинг Хусрав Деҳлавий қасидасига жавоб тариқасида ёзган «Туҳфатул афкор» қасидаси — F.K.)нинг матлаи будур:

***Оташин лаъле ки, тожи***
***хисравонро зевар аст,***
***Аҳгаре баҳри хаёли ҳам пухтан***
***дар сар аст.***

**(Подшоҳлар тожини безовчи**
**ёлқинли лаъл,**
**Бошидаги хом хаёлни**
**пишириш учун чўғдир).**

Мир Алишер болалик пайтидан Мирзо Султон Ҳусайн билан дўстлашган. Мирзо подшоҳ бўлгач, унинг мулозаматига келди ва Мирзо унга беҳад эътибор кўрсатди. Мир эса фазлу ҳунар аҳлига нисбатан шунчалик эътибор кўрсатди. Чунончи, ўша замонда халқнинг турли табақаларидан пайдо бўлган фозил ва беназир одамларнинг аксари унинг саъй-ҳаракатлари туфайли етишиб чиққан эди.

Отасини Кичкина бахши дейишар ва у расмий вазифа эгаси эди. Мир Алишер амирлиги замонида тиришқоқлик кўргузди. Молу мулки шу даражага етдики, унинг мулкларининг ҳар кунги даромади ўн саккиз минг шоҳруҳий эди. Ўзининг амирлик анжомларини хизматкор ва ходимлар, зарробхона, отхона ва бошқа шоҳона иморатлар билан бирга Мирзо Ҳусайннинг ноибларидан бири, замоннинг ном қозонган сипоҳийси Мир Бобо Алига топширди ва сипоҳийликни тарк этиб, Мирзога бошқа акобир ва аъёнлар қаторида хизмат қилди. Имкон бўлгани қадар ўзига мурожаат қилган одамларнинг арзларини уйида тинглаб, ҳожатларини раво қилди ва фазлу ҳунар аҳлини тарбият қилишда давом этди. Ўз мулкларидан келган даромаднинг барчасини охират учун хайрли ишларга сарфлади. Масжиду хонақоҳлар ва бошқа саноқсиз иморатлар қурдирдиким, бу замонда ҳам Хуросонда улардан кўплари сақланиб қолган. Камдан-кам одамга бунчалик кўп иморат бунёд этмоқ муяссар бўлган бўлса керак. Унинг мураббийлигидан баҳраманд бўлмаган бирон фозил одам йўқ эди.

У ўткир ақл эгаси ва юксак муомалали инсон бўлиб, бошқалар ҳам ўзларидан шундоқ ўткир ақл ва юксак муомала зоҳир этишларини хоҳлар, аммо бу нарса одамларга мушкул бўлгани учун ранжиш ҳоллари юз бериб турарди. Мир Алишердан нозиктаъблик ва тез хафа бўлишдан ташқари бошқа бирон нуқсон тополмасдилар. Фозил ва давлатманд одам бўлса-да, бутун азиз умрини қаноатда ўтказиб, хайрли ишларга машғул бўлди. Хулоса шуки, ўша ягона нуқсонни айтмаганда у фақат фазилатлар соҳиби эди.

### МАВЛОНО СУЛТОНАЛИ МАШҲАДИЙ ЗИКРИ

Қитъа ва мактублар битишда, хатни хоҳ йирик, хоҳ майда қилиб ёзишда, балки насх ва таъліқ хатларида ҳам мавлоно Султонали Машҳадийга яккаламлик мусаллам бўлиб, ҳеч ким ундан олдин ва ундан кейин ҳам унга яқинлашишга доғи муваффақ бўлолмади. Хатнинг барча сифатлари ва нозикликларида у беназир эди. У хат қоидалари ҳақида бир рисола ҳам ёзган.

Мавлоно Султонали Машҳадий ўз фаолияти бошларида хатга ўзича алоҳида бир тус бериб битар ва бу одамларга ёқарди. Лекин ҳали уни зўр хаттот деб эътироф этишмаганди.

Мавлоно Жаъфар «Хамса» кўчиришни бошлаган, аммо бу иш тугамасдан қолган эди. Мирзо Султон Абусаид сўради: «Бу ишни охирига етказа оладиган бирон одам борми?» Халқ орасида мавлоно Султонали шуҳрат қозонгани учун у ҳақда арзга етказишди: «Шу кунларда бир ёш йигит ном чиқарган. У бу масъулиятли ишни уддаламоғи мумкин». Мавлоно Султоналини келтириб, мавлоно Жаъфар кўчириб тугатишга улгурмаган китобни кўрсатишди. Мавлоно Султонали дарҳол рози бўлди ва бир қисмини кўчиргач, Султон Абусаиднинг мулозимларидан бўлган машҳур хаттот мавлоно Азҳарга элтиб кўрсатди. Мавлоно Азҳар ғазабланиб бақирди: «Шунақа услуб билан мавлоно Жаъфарнинг «Хамса»сини тамомламоқчимисан?» У Султоналини бандга солдириб, товонларига таёқ билан урдирди ва икки кун бандда сақлади. Сўнгра ҳибсдан чиқартириб келтирди ва унга деди: «Ўғлим, сенинг катта қобилиятинг бор. Аммо сенинг хатинг ясамадир. Насхи таълиқнинг услуби унақа эмас». Кейин унга бир қитъани бериб: «Мана бу услубда ёзиш керак», деди.

Султонали Машҳадий ўзи шундай деган эди: «Бу қитъани олиб бориб машқ қилдим. Машқлардан сўнг насхи таълиқ услуби қанақалиги менга аён бўлди. Бунгача хатимда услуб йўқлигидан огоҳ эмас эдим ва унинг пишиқ-пухта ва тозалигидан мағрурланиб юрардим. Услубсиз хатни эса хат демаса ҳам бўлади».

Бугунги кунда мулло Султонали Машҳадийдан шунчалик миқдорда асарлар қолганки, унга ақл бовар этмоғи мушкулдир. Оламдаги мамлакатларнинг кўпчилигидаги қалам аҳли орасида унинг бирон қитъаси ёки кўчирган китобига эга бўлмаган киши кам топилса керак. Жаҳондаги подшоларнинг кутубхоналарида мулло Султонали Машҳадий кўчирган бир-иккита китоб бўлмаса, уни кутубхона деб ҳисоблашмайди. Бу ҳол ажойибдир.

### МУСАВВИРЛАР ЗИКРИ

Мусаввирлардан бири Шоҳ Музаффар бўлиб, у устод Мансурнинг ўғли эди. Султон Абдусаид замонида устод Мансурдан яхшироқ мусаввир йўқ эди. Мўйқалами ингичка ва нозик бўлиб, Шоҳ Музаффардан бошқа ҳеч кимнинг мўйқалами уникига тенглашолмасди. Олишув манзараларини ғоят пухта ишлаган, аммо Шоҳ Музаффар бу соҳада ундан кўп маротаба ўзиб кетган. Шоҳ Музаффарнинг мўйқалами ғоят нозик, соф, нафис ва пишиқ бўлиб, бўёқлари томошабиннинг кўзини қамаштиради. У йигирма тўрт ёшида вафот этди ва ўз умри мобайнида саккизта тўпламни тамомлашга улгурди. Унинг чала қолган расмлари ҳам баъзи одамлардан топилди ва бу санъат устозлари уларни ғоят қадрлайди.

Камолиддин Беҳзод мусаввирларнинг устози эди. Унинг қўли Шоҳ Музаффарникичалик нозик бўлмаса-да, лекин қалами уникидан пишиқроқ, чизган расмининг тарҳи ва тузилиши уникидан афзалроқ эди.

Эски замонларда Ироқ подшолари бўлган ҳалокуий хонлар сулоласи даврида Хожа Абдулҳай деган киши яшаб ўтган. Бу санъат аҳлининг эътиқодига қараганда, у валий бўлган экан. Ўз умри охирида тавба қилиб, ҳар жойда ўз ишларини топса, уларни ўчирган ёки куйдириб ташлаган экан. Шу сабабли унинг ишларидан фақат озгинаси сақланиб қолган ва ғоят ноёбдир. Мўқаламининг софлиги, нозиклиги ва пишиқлиги ҳамда тасвирий санъатнинг барча сифатлари бўйича унга ўхшаш бошқа одам пайдо бўлмаган. Хожа Абдулҳайдан кейин Шоҳ Музаффар ва Беҳзод бўлиб, улардан кейин то бизнинг кунларгача уларга тенг келадиган бошқа киши пайдо бўлмади. Бу ҳар иккаласини Мир Алишер тарбият қилган.

Мавлоно Мирак наққош замон ажойиботларидан бири бўлиб, Беҳзоднинг устозидир. Расмлари тарҳининг асоси Беҳзодникидан пухтароқдир. Ишининг бажарилиши Беҳзодникичалик бўлмаса-да, ўзининг барча ишларини дуч келган жойда — сафарда ва манзилда, Мирзо Ҳусайн ҳузурида, уйда ёки очиқ ҳавода бажарган ва ҳеч қачон ҳужра ва қоғозликка боғланиб қолмаган. Шуниси ажабланарлики, ушбу барча машғулотлар билан бирга ҳар турли паҳлавонлик машқлари билан ҳам шуғулланардики, улар тасвир чизиш ва наққошлик касбига мутлақо зид эди. Кўпроқ тўқмоқ уриш ва бошқа шу каби паҳлавонлик машқлари билан шуғуллангани учун худди шу мавзуга оид қизиқарли расмларни жам қилгани билан шуҳрат қозонган.

### МУҒАННИЙЛАР ЗИКРИ

Улардан бири Ҳофиз Басирдир ва барчанинг фикрига кўра, унга ўхшаш муғанний бўлмаган. Шундай овозалар борки, у бир куни баҳорда боғда шеър ўқиганида булбул, мусича ва саъва каби қушлар унинг атрофида йиғилиб, боши ва елкасига қўниб олишган.

Ҳофиз Ҳасанали унинг шогирдидир. Баланд овози бор эди. Мураккаб ва мазмундор ашулаларни ғоят латиф куйларди.

Устод Сайид Муҳаммад Ғижжакий ва Мазҳар Удий ғижжак ва удда моҳир эдилар, аммо устод Қулмуҳаммад иккаласини ҳам ҳар икки созда ортда қолдирарди. Унинг беназир куйлари бор.

Яна бири устод Шайхий Нойидир. У барча созларни бошқа жамики устодлардан яхшироқ чаларди, аммо най ўзининг асосий соҳаси бўлгани учун най чалиш билан машҳур эди.

Шундай қилиб, барча фозиллар, санъаткорлар ва ихтирочилар орасида беназир ва ўхшаши бўлмаган кишилар бор эди.Уларнинг барчасининг шарҳини баён қилиш мушкулдир. Хуросондаги бутун фазл ва санъат аҳли Мир Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракати ва тарбияти натижасида юзага чиққан.

**Форс тилидан Ғулом КАРИМ таржимаси**

---

# Go'zal yurtning o'ziga xos, o'siga mos qiyofasi

**ABDULMO'MINXON** (?-1599) — Shayboniylardan. Abdullaxon II ning o'g'li. Balx va Badaxshon hokimi (1582-98). Buxoro xoni (1598-1599). 1589 yildan ota-bola munosabatlari keskin yomonlashadi. Chunki, Abdullaxon II Hirotni safaviylardan qaytarib olgach, uni o'z o'g'li qolib, Qulbobo Ko'kaldoshga in'om qiladi. Buning ustiga u Xurosondagi noiblari — Qulbobo Ko'kaldosh, Din-muhammad sulton va boshqalarga yozma farmon jo'natib, Abdulmo'minxonga itoat etmaslikni va hatto biror qulay fursatdan foydalanib uni jisman yo'q qilishni buyuradi. Shuningdek, u Niso, Obivard va Durun hokimi Nurmuhammadxonni qo'llab-quvvatlab, uni Abdulmo'minxonga qarshi urushga undaydi. Bundan darg'azab bo'lgan Abdulmo'minxon 1597 yil kuzida otasiga qarshi bosh ko'tarib, Balx va Badaxshon qo'shini bilan Amudaryo bo'yiga kelgan. Abdullaxon II ning qo'shini Nasaf (Qarshi) atrofida joylashgan. Abdullaxonga ko'makka viloyat hokimlari, masalan: Axsi va Andijon hokimi O'zbek sulton o'z qo'shinlarini yuborgan. Buxoro va Balx ulamolari aralashuvi bilan ota-bola o'rtasidagi nizoga barham berilgan. Abdulmo'minxon otasi vafot etgach, Buxoroga qaytib taxtni egallagan. U Eron safaviylari bilan Xuroson uchun kurashni davom ettirgan.

Abdulmo'minxon mo'g'ullar vayron qilgan Balx qal'asini qayta qurdirgan, Balxdagi Xoja Abu Nasr Porso mozorida hashamatli ko'shk bunyod ettirgan.

**ABDULHAMID MAJIDIY** (taxallusi Abutanbal, A.B., Chaqmoq 1902 — Kattaqo'rg'on — 1938) — o'zbek shoiri, dramaturg, adabiyotshunos, jurnalist, pedagog. Dastlab eski maktabda, so'ngra Kattaqo'rg'onda ochilgan rus-tuzem maktabida ta'lim oldi. «Zarafshon» (1925-26), «Ozod Buxoro» (1927-28) gazetalarida muharrirlik qildi. Xorazm viloyat teatrida direktor, adabiy emakdosh (1929-33). Toshkentda «Mushtum» jurnalida (1934-37) ishladi. 1920 yildan matbuotda uning she'rlari bosila boshladi. «Xandon lolalar» (1929), «Qaldirg'och» (1932), «Hangoma» (1937) nomli she'riy va nasriy to'plamlari chop etilgan. «Varqa va Gulshoh», «Otsiz» pesalari bor. Kattaqo'rg'on shahridagi teatrga Abdulhamid Majidiy nomi berilgan.

---

**Qatag'on qurbonlari**

# ЎҚИТУВЧИ, ЖУРНАЛИСТ, МУҲАРРИР, ТАРЖИМОН...

*Ҳожи Муинни кўпчилик драматург сифатида билади. Чунки жадид драмалари қаторида унинг пьесалари ҳам қисман ўрганилди. Тадқиқотларга манба бўлди. Қолаверса, Ш.Ризаевнинг “Жадид драмаси“ китобида (Т. «Шарқ», 1997) “Эски мактаб, янги мактаб“, “Кўкнори“, “Мазлума хотин“, “Тўй“ каби драмалари қайта нашр қилинди. Булардан ташқари Ҳожи Муин “Маориф қурбонлари“, “Жувонбозлик қурбонлари“, “Бой ила хизматкор“, “Қози ила муаллим“ каби пьесалар ҳам ёзган. Лекин улар муаллиф тириклиги чоғидаёқ чоп этилмай йўқолган.*

*Маълумингизким, театрни жадидлар ибратхона деб аташган, яъни унга тарбия воситаси сифатида қарашган.*

*Ҳожи Муин аслида ўз фаолиятини ўқитувчилик — болаларни тарбиялаш иши билан бошлаганди. У жадид мактабини очгунга қадар 1901 йилдан эски мактабда муаллимлик қилади. Ана шу даврларда у Маҳмудхўжа Беҳбудий, Васлий, Шакурий каби ўз даврининг маърифатпарварлари билан танишади, суҳбатлашади, дунёқараши кенгаяди. Кейинчалик у бу ҳақда шундай ёзади: “... жадидлик даврида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг суҳбатлари ва ёзган асарлари менда жуда ҳам катта таъсир қолдиргон эди“. Хўш, бу суҳбатларда у нималарни ўзига сингдирди? Бу ўринда Ҳожи Муин ўзи ёзиб қолдирган таржимаи ҳолига мурожаат қиламиз:*

*“Русия давлати томонидан Ўрта Осиёнинг ишғол қилиниши билан бу ўлкада сиёсий-иқтисодий вазият ўзгаришга юз тутди. Аввалларида ўзи ҳоким бўлган маҳаллий халқ маҳкум миллат сифатида Русия давлатига тобеъ бўлди. Бошдан эзилиб келган камбағал деҳқонлар ва меҳнаткаш косиблар, давлатнинг оғир солиқларини тўлаб беришга мажбур этилдилар. Булардан бошқа Русия буржуаси томонидан ўлкамизга келтирилган янги саноат моллари сифат ва нарх жиҳатидан бизнинг миллий саноат маҳсулотига нисбатан қулай бўлганидан омма орасида кўбрак тарқолиб, бу эса бозоримизга катта зарба бера бошлади. Натижада бизнинг косиб ва ҳунармандларимиз ва майда савдогарларимиз зарарланиб, синиб охири секин-секин ишдан чиқабердилар. Шунинг билан баробар мамлакатимизда ишсизлик, қашшоқлик, хўрлик ва гадойлик каби разиллар ниҳоят ҳукм фармо бўлди.*

*Бизда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланатурғон майда буржуа табақаси бўлса-да, ўзгаларга нисбатан оз ва кучсиз бўлуб, буларнинг топганлари эса тўй, аза ва кўпкаридек эски урф-одат йўлида сарфланиб кетарди. Эски мактаб ва мадрасаларимизда ўқуладурғон илмлар бўлса, қуруқ хатсавод ва бир қадар диний нарсалар ва схоластикдан иборат бўлуб, булар замоннинг талабига жавоб бера олмас эди. Ўлкада ҳар ерда давлат томонидан овруполи болалар учун катта ва кичик мактаблар солиниб турғани ҳолда, ерли халқ болалари учун ўз шароитларига мувофиқ бергани бўлсин бошида неча мактаб очиб берилмас эди. Ҳар шаҳарда давлат ҳисобидан бир-икки руский-туземний мактаб очилган бўлса-да, булардан асли мақсад — бошқа диндаги халқларни руслашдирув эди. Шунинг учун Русия буржуа синфи маориф-маданият соҳасида кундан-кун йўксалиб бораётгани ҳолда, маҳаллий халқ билакси жаҳолат ва сафолат чуқуриға тушуб кета берарди. Эски мадраса ва масжидларнинг бир қанча вақфи ҳукумат томонидан забт этилган, қозихоналаримизнинг ишлари жуда харобланиши билан ҳуқуқи камайтирилиб, эътиборсиз ҳолда қолдирилган эди.*

*Мустабид чор ҳукуматининг мана шундай ғаддорона сиёсати оммага таъсирсиз қолмади, айниқса русча хат-саводга эга бўлган бир ҳовуч онгли табақамизнинг миллий ва диний ҳиссиётига тўқунди. Зиёлилар интибоҳга келиб аниқ билдиларки, ҳукуматнинг ғарази маҳаллий халқни сиёсий ва иқтисодий майдонда асир қилишдек, маориф-маданият жиҳатидан ҳам орқада қолдириб, охири руслашдирув экан.*

*Ҳукуматнинг шу ғаразкорона сиёсий тадбирларини тушуна бошлаган зиёлилар, ҳар жойда ўз ёру дўстлари олдида бу кирли сирларни фош этишга ва халқнинг кўзини очишга тириша бошладилар. Натижада жадид номи билан миллатчи (миллатпарвар демоқчи. — Н.Н) бир гуруҳ майдонга келди.*

*Жадидларнинг ғояси — маҳаллий халқдан замонга мувофиқ ўқумушли зиёлилар, диний алломалар, ҳунармандлар, онгли бойлар ва фабрикантлар етишдириб, Русия буржуасига қарши ҳар жиҳатдан рақобат этиш, тўғриси ўз камбағалларини ўзлари истисмор (?) этиб, шу йўл билан халқнинг маданий савиясини кўтариш ва овруполиларга етиб олиб, инқироздан қутилиш эди“. (Ҳожи Муин. Таржимаи ҳол. Араб алифбосидан Ҳаёт Неъмат табдили. Қўлёзма Ҳ.Муиннинг набираси Фахриддин Баҳриевда сақланмоқда).*

*Кўчирмани кенг олишдан мақсад давр маърифатпарварларининг асл маслагини кўрсатишдир.*

*Мана шундай илғор ёшлардан бири бўлган Ҳожи Муин 1903 йилда Самарқанднинг Хўжанисбатдор маҳалласида янги усулда мактаб очади. Ўзининг таъкидлашича, 1917 йил февраль инқилобигача турли жойларда ўқитувчилик қилиб, мингдан ортиқ болани хатсаводли қилган. Унинг ўқитувчилик фаолияти ҳақида гапирганда чоп этган алифбо китоблари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. У 1908 йилда “Раҳнамои савод“ номли форс тилида, кейин эса ўзбек тилида И.Раҳматуллазода билан ҳамкорликда “Ўқитувчи“ номли алифбо китобларини ёзади, кейинчалик 1926 йилда чоп этилган “Форсча алифболар тарихи“ мақоласида Ҳожи Муин “Раҳнамои савод“ ҳақида шундай маълумот беради: “Мунинг ёзғувчиси Ҳожи Муин ва ношири муаллим Абдуқодир Шакурийдир. 1908 нчи йилда тош босмада фақат бир қатла 2 минг беш юз дона босилди. Юзи 36 саҳифаликдир. Бу алифбонинг бошида ҳарфлар тадрижий суратда кўрсатилиб, сўз ва жумлалар маъд усули (чўзғи) билан ёзилгон. Мунда энг аввал форсча ҳарфлар тадрижий йўл билан кўрсатилганлиги учун ўша вақтда усули жадид душманлари “Жадидлар ўз китобларидан арабча ҳарфларни чиқариб ташлабдирлар“ деб халқ орасида иғво тарқотқон эдилар“.*

*Бошқа жадидлар каби Ҳожи Муин ҳам янги усулдаги мактабини ўз ҳисобидан очган. Йиллар давомида қотиб қолган эски таълим тизими, воситаларидан воз кечиб, омма учун янгилик бўлган янги таълим методларини, дарсликларини яратиш, албатта, катта меҳнатни ва яна маълум бир маънода жасоратни ҳам талаб этар эди. Янги мактаб муаллимлари болаларга нафақат таълим, балки тарбия беришни ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Ҳожи Муин машҳур маърифатпарвар А.Шакурийнинг илтимоси билан болалар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бир қанча шеърларни таржима қилади. Ва кейинчалик М.Беҳбудийнинг кўмагида уларни “Гулдастаи адабиёт“ номли тўплам ҳолида чоп эттиради. Бу тўпламга ўз шеърларини ҳам киритади. “Гулдастаи адабиёт“ ҳақида Садриддин Айний шундай фикр билдирган:*

*“Ҳожи Муин бундан ўн йиллар илгари, умумий фикр қоронғулиги замонасида бир адабиёт китоби ёзғон. Ул вақтларда бундай янги китобларнинг халқ орасида тарқолиб ўқулмоғи жуда қийин эди. Фикри уйғона бошлаған ёш қувватларимиз ўз тушунча ва ҳиссиётларини тарқатмоқ учун ўз халқининг руҳига мувофиқ турлик йўллар излар эдилар. Иш қийин. Бир “бисмилло“сизлик билан кофир ва малъун бўлмоқ жуда қулай эди. Бу ҳол Ҳожи Муинни ҳам шундай бир йўл тутишга мажбур этган, ки ул ўзининг адабиёт китобини бир наът фотиҳа билан бошлагон“. (С.Айний. Янги гап. “Туркистон“ газетаси, 1923 йил, 7 февраль). Ҳожи Муин ўз кундаликларида ёзишича, бу китобдаги “Хитоб ва гўдак беилм“, “Насиҳат“, “Мухаммас“, “Иттифоқ“, “Шикоят“, “Эътироф“ каби шеърлар ўзиники, қолганлари эса таржимадир. Шу ўринда Ҳожи Муиннинг таржимонлик фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз сўз. У Абдурауф Фитратнинг 1911 йилда ёзган “Ҳиндистонда бир фаранги билан бухороли бир мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилгон мунозараси“ номли асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, 1912 йилда “Туркистон вилоятининг газети“да чоп эттиради. Кейинчалик алоҳида китоб ҳолида нашр этилади. Дурийнинг “Ақидаи исломия“ асарини ўзбек тилидан тожик тилига таржима қилади.*

*Ҳожи Муин заҳматли педагоглик фаолиятини 1917 йилгача давом эттирган бўлса-да, шу билан биргаликда миллатни уйғотишга хизмат қиладиган яна бир йўналиш — матбуотда ҳам ўз фаолиятини бошлайди. 1908 йилда унинг “Янги асарлар“ номли тақризи “Туркистон вилоятининг газети“да чоп этилади. Шундан кейин унинг “Ўзбекка жавоб“ (1909 йил, 24 декабрь), “Янги асар“ (1911 йил 2 январь) “Газета ўқимоқ манфаати“ (1911 йил, 11 ноябрь) “Адабсизлик сабаби ва унинг чораси“ (1913 йил, 1 август), “Театрнинг аҳамияти“ (1912 йил, 25 март) каби қатор мақолаларини кўришимиз мумкин. 1913 йилда М.Беҳбудийнинг “Самарқанд“ газетаси, кейин эса “Ойина“ журнали чиқа бошлайди. Ҳожи Муиннинг “Самарқанд“ газетасида “Нашриёт ширкати керак“, “Ёшларга мурожаат“, “Ойина“да эса “Миллий тарих ҳақида“, “Танбеҳга ташаккур“ каби мақолалари чоп этилади. Бундан ташқари, Ҳожи Муиннинг таъкидлашича “Вақт“, “Шўро“, “Таржумон“ каби газета ва журналларда ҳам унинг мақолалари босилиб чиққан.*

*17-йилгача унинг мақолалари халқнинг маънавиятини шакллантириш, маориф, таълим-тарбия ҳақида бўлса, бу йилдан кескин сиёсий тус олганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, “Ҳуррият“ газетасида “Юрт қайғуси“, “Ислом дунёсининг нажоти“, “Большевиклар ва биз “ каби мақолалари чоп этилган. Айнан “Ҳуррият“ газетасида Ҳожи Муиннинг кейинги тақдирига таъсир қиладиган мақолалари мангуликка муҳрланиб қолади. Масалан, “Большевиклар ва биз“ номли мақоласида у большевикларнинг бутун кирдикорларини фош этиб, шундай дейди: “Биз кичик миллатларга тамом ҳуррият ва истиқлол берамиз“ деб хитобномалар воситасила ваъда қилгон бўлсалар ҳам бу қуруқ сўзлари қоғоз устидагина қолди. Булар ҳозиргача ҳеч бир миллатнинг мухторият ва истиқлолини тасдиқ этмадилар, балки, билъакс шундай мухторият ва истиқлолият эълон этган миллатларға тўп ва пулемот билан муқобала этдилар ва этмакдадирлар... Чунончи: Тошканд шаҳар думасини тарқатдилар. Туркистон мухториятини “мулло ва буржуазлар қарори“ деб тасдиқ этмадилар ва Тошкантда мухторият шодлиғи учун намойиш ясаған минглaрча мусулмонларға бир баҳона билан милтиқ ва пулемот отиб бир неча гуноҳсиз мусулмон ва русларни ўлдурдилар“ (1918 йил, 1 январь).*

*Шундан кейин унинг мақолалари “Меҳнаткашлар товуши“, “Зарафшон“, “Туркистон“, “Овози тожик“, “Қизил юлдуз“, “Чаён“, “Инқилоб“, “Шуълаи инқилоб“, “Маориф ва ўқитувчи“, “Учқун“, “Таёқ“, “Машраб“, “Мулло Мушфиқи“ номли газета ва журналларда босилиб чиқади. У ўз “Таржимаи ҳоли“да 200 тага яқин мақола, 400 тага яқин турли хабарлари матбуотда эълон қилинганлигини таъкидлайди.*

*Унинг журналистик фаолиятини ёритганда муҳаррирлиги ҳақида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. М.Беҳбудий ўзининг “Саёҳат хотиралари“да сафар олдидан “... Сайид Ризо афанди Ализода жанобларининг “Ойина“ға маъсул мудирлиги учун ҳукуматдан рухсат олинди. Мувaққат муҳаррирлиги муаллим Ҳожи Муин жанобларига ҳавола қилинди“ деб ёзади (“Ойина“, 1914 йил 31-сон). Ҳақиқатан ҳам агар ”Ойина“ни варақласак, 1914 йил 33-сондан 43-сонгача мувaққат муҳаррири Ҳожи Муин бин Шукрулло деб ёзилган ёзувни кўришимиз мумкин. “Ойина“нинг Ҳожи Муин муҳаррирлик қилган сонлари ҳақида немис олимаси Ингеборг Балдауф ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтган. Шунингдек, “Ҳуррият“ газетасида мувaққат муҳаррир, унинг ўрнида чоп этилган “Меҳнаткашлар товуши“ газетасида масъул муҳаррирлик қилган.*

*Ҳожи Муиннинг аксарият мақолаларида миллий истиқлол ғояси гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тарзда намоён бўлади. Юқорида тилга олинган большевиклар ҳақида ёзган мақоласи ёхуд жадидчилик ҳақида билдирган фикрлари бунга мисол бўла олади. Большевиклар ҳокимиятда мустаҳкамланиб олгач, фикрлайдиган барча зиёлиларни сиқувга ола бошлайдилар. Ҳожи Муин ҳам аввал муҳаррирликдан бўшайди. Кейин миллатчиликда айблана бошлайди. 1929 йилнинг совуқ сиёсати уни ҳам қамоққа тиқади. 1932 йилда қамоқдан қайтиб келиб, таржимонлик билан шуғулланади. “Қизил юлдуз“ газетасида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлайди. Уни ҳам кўп қуришади. 1937 йилнинг июнь-сентябрь ойларида яна қамашади. Бизнинг қўлимизга теккан “Таржимаи ҳол“и эса 1937 йилги қамоқдан кейин “тавба“ тариқасида ёзилган.*

*1938 йил 24 январда ўтказилган навбатдаги тинтув ва ҳибсда Салима опа (Ҳ.Муиннинг қизи) отасини сўнгги бор кўраётганлигини билмас эди. Ҳожи Муин 1942 йил 22 июлда Россиядаги Соликамск қамоқ лагерларининг бирида касалланиб вафот этади.*

*Кейинги йил Ҳожи Муиннинг Фарзанду набиралари, зиёлиларнинг елиб-югуриши натижасида Руҳобод маҳалласида у яшаб ўтган уйни уй-музей қилишмоқда. Ва яна Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир кўча ва мактабга Ҳожи Муин номини бериш мақсадида экан. Ўйлаймизки, бу каби савобли ишлар ўз ижросини топади.*

*Ҳожи Муин большевиклар наздида “шпион“ эди. Бироқ буларнинг ҳаммаси туҳмат эканлигини бугун барча билади. Ҳожи Муин юрт равнақи, мустақиллиги учун курашган, бу йўлда ўз жонини аямаган маърифатпарвар зиёлилардан бири эди.*

**Нилуфар НАМОЗОВА,**
**ЎзДЖТУ аспиранти**

Sharh

# ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ САФИДА ЎН ЙИЛ

***Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.***

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг дастлабки ўн йилини дадил қадам билан босиб ўтди. Мамлакатимиз учун XX асрнинг сўнгги ўн йили ҳақиқий демократияга асосланган ўзига хос йўлни танлаб олиш имкониятини берди. Бу давр халқаро ҳаётда ҳам жуда катта синовлар босқичи бўлди. Халқимиз бу синовлардан муваффақиятли ўта олди ва халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 2 мартидан бери жаҳоннинг энг нуфузли ташкилоти — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, БМТга аъзо бўлиш — бу энг аввало мустақиллик шарофати ва қолаверса, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида эътирофининг ёрқин тимсолидир.

Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўрин эгаллаши сиёсий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлади. Ҳар бир давлатнинг БМТда бўлиши унинг аъзо эканлиги билан кифояланмайди. Халқаро ҳамжамият сафида бўлиш — бу ишонч, маъсулият, тенг ҳамкорлик олиб бориш, жаҳон тинчлиги ва осойишталиги учун дадил курашиш ҳамда юксак жавобгарлик ҳиссини англаб етишдир. Асосий Қонунимизда ёзиб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатини миллий манфаатлар дахлсизлигига риоя этган ҳолда амалга оширади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 48 (1993 йил 28 сентябрь), 50 (1995 йил 24 октябрь), 55-мингйиллик саммитдаги (2000 йил 8 сентябрь) нутқи ва унда илгари сурган ташаббуслари халқаро аҳамият касб этади. Ислом Каримовнинг ҳар учта нутқи ҳам мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдида муҳим муаммоларга аниқ муносабати, шунингдек, ташаббусларга бойлиги билан дунё халқларида қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистон муаммоси фақат Марказий Осиё халқларининг дарди эмас. Бу муаммо бутун жаҳон аҳлининг, дунёдаги барча нуфузли ташкилотларнинг, аввало, БМТнинг диққат марказида турмоғи лозим. Акс ҳолда минтақадаги вазият бошқа қўшни мамлакатларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Президенти биринчилардан бўлиб БМТ Бош котиби эътиборини Афғонистондаги воқеаларга қаратиб, бу мураккаб ҳолат фақат минтақа учунгина эмас, балки бутун дунё учун ҳам хавф туғдираётганлигини ишонарли асосда огоҳ этган эди.

Мана, 22 йилдан кўпроқ даврдан бери афғон халқи бошига мислсиз кулфатлар солган, халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-яроғларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолган ички можаролар бутун минтақага, шунингдек, инсоният тараққиётига жиддий ғов бўлмоқда.

Салкам 25 йил мобайнида битта авлод шаклланди. Улар тинч бунёдкорлик, яратиш ва изланиш ўрнига қўлида қурол билан мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий ва айни пайтда сиёсий ҳаётни бутунлай издан чиқариб юборди. БМТ расмий маълумотига кўра, ҳозир Афғонистонда 25 миллион халқ бўлиб, аҳолининг салкам 12 миллионида ўт очувчи қурол-яроғлар бор экан. Ўзбекистон Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш масалаларига бағишлаб БМТ раҳнамолигида ўтказилган Бонн Петербург конференцияси (2001 йил декабрь) ҳамда афғон халқига ёрдам кўрсатишга қаратилган Токио анжумани (2002 йил 21-22 январь) натижаларини маъқуллади. Эришилган келишувлар мамлакатдаги турли гуруҳларни ўзаро муросага келтириш йўлидаги илк қадам ҳамда Афғонистонда давлат тузилишининг конституциявий асосларини яратиш борасидаги жиддий силжиш бўлди.

2001 йилнинг 18 декабрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Кофи Аннанга мурожаатнома йўллаб, унда Афғонистонда юзага келган вазият ва шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда тўпланиб қолган катта миқдордаги қурол-яроғни йиғиб олиш ва камайтиришга оид масалаларни ечиш заруратини баён қилди. Ўзбекистон томони шунга қатъий аминки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган қонуний ва кенг асосдаги ҳукуматни шакллантиришга умумий ёндошувни таъминлаш учун уч шартни инобатга олиш зарурдир.

**Биринчидан:** Афғонистонда йиллар мобайнида йиғилиб қолган қурол-яроғни камайтириш, янги ички ҳарбий-сиёсий келишмовчиликлар юзага келишининг ҳамда Афғонистондан халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун демилитаризация қилинган бетараф мамлакатни шакллантириш.

**Иккинчидан:** Мамлакатимиз тан олинган ўз чегаралари доирасидаги ягона ва бўлинмас Афғонистон тарафдоридир. Шу билан бирга, тарихан шаклланган минтақавий ва этник хусусиятларини ҳисобга олиб, Афғонистоннинг давлат тузилиши асосига федерация шакли қўйилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқда.

**Учинчидан:** Афғонистонни тиклаш бўйича донор давлатлар кенгаши томонидан бошқариладиган ягона халқаро жамғарма тузиш. Бу жамғармадан ажратилган маблағлар Афғонистондаги ички кучларнинг мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришиши, уни гуллатиб-яшнатиш йўлидаги самарали саъй-ҳаракатларга хизмат қилмоғи лозим. Бу ижтимоий-иқтисодий тикланишнинг муҳим омилидир.

Ёдингизда бўлса, 2001 йил 24 октябрь куни (БМТнинг 56 йиллиги санаси) мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТ Бош котибининг ўринбосари Кензо Ошимани қабул қилган эди. Бу учрашувда ҳам оғир аҳволда қолган афғон халқига ёрдам кўрсатиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди. Президентимиз Ўзбекистон билан БМТ уруш туфайли неча йиллардан бери жабр чекаётган Афғонистон аҳолисига мурувват кўрсатиш борасида ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплаганини, бу эса ташкилот кўзлаётган инсонпарварлик миссияларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келишини таъкидлади.

Ўзбекистон БМТ билан алоқаларни мустаҳкамлаш билан бир қаторда қўшни афғон халқига инсонпарварлик кўмаги етказишни амалда исботламоқда. Хусусан, яқинда (2002 йил 31 январь) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Афғонистон ҳудудига тижорат юкларини транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор инсонпарварлик ёрдамининг амалдаги исботи бўлиб, бундан мақсад қўшни мамлакат барқарорлигини сақлашдир.

Маълумки, Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирган 1992 йилнинг баҳоридан бери халқаро ҳамжамиятнинг Тараққиёт дастури асосида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилди. Яқинда БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбарининг ўринбосари ҳамда мазкур Дастурнинг Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Калман Мизей Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. БМТ Тараққиёт дастури 1993 йилдан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда мазкур дастур иштирокида тўртта дастур ва саккизта лойиҳа ҳаётга татбиқ қилиняпти. Улар кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ва микрокредитлар ажратиш, ахборот-алоқа технологияларини жалб этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, техникавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва ОИТСга (СПИД) қарши кураш каби жараёнларни ўз ичига олган.

2000-2004йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига кўра, Тараққиёт дастури турли лойиҳалар ижроси учун 75 миллион 770 минг АҚШ доллари ажратишни режалаштирган. Хусусан, 2002 йилда бундай мақсад учун 14 миллион 497 минг доллар миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги халқаро жараёнларни бундан аввалги ўлчамлар, тизимлар ёки ўша даврда қабул қилинган айрим аҳдномалар тартиби билан таққослаб бўлмайди. Чунки, замон бу ривожланиш, ўзгариш, янги давр билан, оддийроқ қилиб айтганда эса, тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ. БМТнинг фаолиятини қандай қилиб ривожлантириш лозим, бу борадаги муаммоларни қандай ечиш кераклиги юзасидан Ўзбекистон томони уч масалага алоҳида эътиборни қаратди.

Маълумки, БМТ фаолиятининг асосини Хавфсизлик Кенгаши белгилайди. Ҳозир эса Хавфсизлик Кенгашига бор-йўғи 5 давлат — АҚШ, Хитой, Россия, Буюк Британия ва Франция доимий аъзодир. Энди ўйлаб кўринг, бугунги кунда 190 га яқин давлат БМТга аъзо бўлсаю, уларнинг тақдирини ва ҳатто, баъзи ҳолларда ҳаёт-мамотини 5 давлат ҳал қилиши, албатта, ҳар бир инсонни ўйлантириб қўяди. Шунинг учун Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафини кенгайтириш давр талаби бўлиб қолди.

Яқин ўн йилликлар мобайнида Япония ва Германияга нисбатан "мағлуб давлатлар" ибораси қўлланиб келинди. Аммо ҳозирги кунда кучли иқтисодиётга, халқаро обрўга, дунё миқёсидаги салоҳиятга эга бўлган ҳар икки мамлакатга нисбатан қандайдир чеклаш бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Демак, Япония ва Германиянинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган ўз мавқеидан келиб чиқиб, уларни Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси қилиб олиш мумкин.

Иккинчи муҳим таклиф — бу БМТ Бош котибининг ваколатларини кенгайтириш масаласидир. Катта бир оилани тасаввур қилайлик. Агар унга бир одам бош бўлмаса, бошбошдоқлик юзага келади.

Агар демократик асосда ваколатини ишониб топширган вакил ҳуқуқлари чеклаб қўйилгудек бўлса, табиийки, илғор фикрларга тўсиқ яратилади. Шунинг учун БМТ Бош котибининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш муҳимдир.

Учинчи йирик ташаббус ҳам ҳар жиҳатдан муҳим халқаро аҳамият касб этади. Негаки, ҳозирда БМТ бутун жаҳондаги воқеаларни, дунёдаги мавжуд вазиятни ўз назоратида ушлаб туриши жуда қийин. Бунинг устига, Ер юзида 6 млрд. аҳоли яшаётган бўлса, бу вазифани бажариш ҳам осон бўлмайди. Шунинг учун жойлардаги, минтақалардаги халқаро ташкилотлар, хусусан, ўз сафига 5-10 та давлатларни жамлаган уюшмалар БМТнинг бевосита раҳбарлиги ва кўмагида иш олиб борсагина, уларнинг фаолиятида изчиллик ва тартиб бўлади. Акс ҳолда бир минтақада ўзини халқаро ташкилот ҳисоблаган бир уюшма ўз ҳолича ишлайверса ва бу БМТнинг фаолиятига, унинг асосий сиёсатига мос келмаса, бундай жараён истиқболга ҳам, умумий тараққиётга ҳам ўз таъсирини кўрсата олмайди. Демак, ана шундай ташкилотларнинг фаолиятини бир-бири билан уйғунлаштириш замон талабидир.

Шундай қилиб, жонажон Ўзбекистонимиз БМТ минбаридан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, минтақамизни ядро қуролидан ҳоли (озод) зонага айлантириш, наркобизнесга қарши курашда барча давлатлар хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, Марказий Осиёда экологик вазиятни соғломлаштириш мақсадларида, яъни умуммнафаат йўлида фойдаланмоқда.

Бугун халқаро ҳамжамият олдида ҳал этиш зарур бўлган ғоят мураккаб вазифалар кўндаланг турибди. Демократия тамойилларини кенг қулоч ёздириш эркинликнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайишига олиб келади. Бундан ташқари, глобаллаштириш даври билим ва ахборотларни кенг тарқатиш, дунёнинг ҳар бир ерида тараққиёт учун имкониятлар яратиш билан бутун дунёни ўзгартириб юбормоқда. Халқаро терроризм, сепаратизм (айирмачилик), гиёҳвандлик, миллий-этник зиддиятлар, ҳудудий даъволарнинг сақланиб қолаётганлиги, қочқинлар муаммоси, қашшоқлик — бу каби улкан масалалар БМТ томонидан ҳал этилиши талаб этилмоқда.

Мавжуд қийинчиликлар, бало-офатларни бартараф этиш борасида бутун жаҳон розилигига эриша олишга ва барча халқлар, элатлар, миллатлар номидан иш кўришга қодир ягона, универсал ташкилотнинг зарурати ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам равшан бўлиб қолди. Шундай қудрат — Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир. Бу ташкилот ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллат ва элатнинг умумий хонадони, таъбир жоиз бўлса, нажот уйи, умумпаноҳ уйи ва айни пайтда жаҳон тараққиётига хизмат қиладиган кошона бўлиб қолиши лозим. Оддийроқ қилиб айтганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — жаҳоннинг **Тинчлик** хонадони бўлиб қолсин.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## КАМПАНИЯ УЧУН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ



**АҚШнинг Пентагон ташкилоти мамлакат Конгресси ва Оқ уй раҳбарияти олдида ҳисобот бериб, антитеррор кампаниянинг қўшимча маблағ билан таъминланишини сўради. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 30 сентябригача қадар бу борадаги ҳаракатлар учун 17,4 миллиард доллар ажратилган. Пентагон экспертларининг фикрича, Афғонистондаги жанговар ҳаракатлар ва Қўшма Штатларнинг ўз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар бугунги кучайтирилган даражада давом эттириладиган бўлса, у ҳолда ажратилган маблағлар апрель-май ойларига бориб тамом бўлади. Шунинг учун Пентагон ҳукуматдан яна 12,6 млрд. доллар берилишини сўрамоқда.**

## СОЛАНО АРОФАТНИ КЎНДИРДИ



**Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Солано билан учрашганидан сўнг Ёсир Арофат Исроил билан хавфсизлик хизматлари вакиллари даражасида музокараларни бошлашга тайёрлигини маълум қилди. Мазкур музокараларда эса АҚШ вакиллари воситачилик қилишади. Шунингдек, Хавьер Солано Ариэл Шарон маъмурияти билан ҳам музокаралар ўтказди.**

**Кеча эса Вифлеем шаҳри жанубида Исроил транспорт калоннаси террорчилар томонидан ўққа тутилган. Натижада 2 киши қурбон бўлиб, бир нечаси жароҳатланган. Ҳозирда махсус хизмат ходимлари ва ЦАХАЛ аскарлари террорчиларни қидирмоқдалар.**

## КОТИБ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

**"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Грузия миллий хавфсизлик кенгаши котиби Нугзар Саджия давлат канцелярияси биносида ўз жонига қасд қилди. Дастлабки маълумотларга кўра, котиб кабинетида пистолет билан ўзини-ўзи отиб ташлаган. Ҳозирда фожеа сабабларини ўрганиш бошланди.**



**Ўтган ҳафта эса парламент депутати Борис Какубава Нугзар Саджаяни ва разведка департаменти раҳбари Автандил Иоселианини сиёсий қотилликларда айблаб чиққан эди. Марҳум жойлаштирилган Тбилиси шифохонасига ташрифидан сўнг президент Эдуард Шеварнадзе котибни иродали, адолатли инсон бўлганлигини айтди ва фожеани "маънавий" террор дея баҳолади.**

## ЧЕЧЕНИСТОНДА ҚОТИЛЛИК

**"Озодлик" радиосининг маълум қилишича, Чеченистоннинг Ведено тумани ҳарбий комиссарининг ёрдамчиси А.Зухайраев ўлдириб кетилган. Ички ишлар хизматининг маълумотига кўра, жиноятчилар марҳумни ўз қариндошлари олдида отиб ташлаганлар. Шу вақтда эса туман халқ таълими бўлими ходими Султон Башировга нисбатан ҳам суиқасд уюштирилган. Ҳозирда ҳар икки жиноят устидан текширув олиб борилмоқда.**



**Чеченистон раҳбари Станислав Илясов эса Знаменск станцияси ҳудудида яшаётган қочоқлар учун Грозныйда 3,5 минг кишилик капитал уйлар тайёрланганлигини айтиб, қочоқларнинг олиб келинишларини билдирди.**

## ЖАЗО ЧОРАЛАРИ БЕКОР ЭТИЛДИ

**АҚШ президенти Жорж Буш гарчи Афғонистонда гиёҳванд моддалар етиштирилишига қарамасдан бу давлатга нисбатан жорий этилган жазо чораларини бекор қилди. Американинг мазкур "қора рўйхати"дан 23 та давлат ўрин олган. Бушнинг айтишича, жазо чораларини бекор этиш Афғонистонга Қўшма Штатлар ёрдами киритила бошлангандан кучга киради. "Толибон" ҳаракати вақтида дунёдаги энг йирик «оғу» марказларидан бири бўлган мамлакат бундан буён гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришни тўхтата боради. Афғонистондан аввал "қора рўйхат"дан Мексика, Колумбия, Нигерия, Парагвай каби бир неча давлатлар ўчирилган бўлса, Бирма, Гаитиларга нисбатан ҳали ҳам жазо чоралари қўлланилмоқда.**



## ЭЛЧИХОНА ОСТИДА ЙЎЛАК ТОПИЛДИ

**Римдаги АҚШ элчихонаси портлатилишининг олди олингач, Италия полицияси элчихона тагида ер ости йўлаги борлигини аниқлади. Ҳозирда бу жиноят билан алоқадорликда гумон этилиб 4 нафар марокашлик ҳибсга олинган. Боиси, улардан цианид моддаси ва мазкур ҳудуднинг сув ўтказиш тармоғи схемаси топилган. Тахминларга кўра, террорчилар ўз хуружларини бир неча кундан сўнг амалга оширмоқчи бўлганлар. Улардан ташқари, терактга алоқадор ҳисобланиб яна беш киши қўлга олинган, дея хабар беради "Асошиэйтед Пресс" агентлиги.**



# ФРАНЦИЯ БУЮКЛИГИНИНГ МЕЗОНЛАРИ

Xorijda ta'lim

*Замон ва макондан қатъи назар, мактабгача ва бошланғич таълимга кучли эътибор талаб этилади. Жумладан, Францияда мактабгача таълим муассасалари аксарият мактабларнинг бошланғич синф негизида (базасида) ҳамда мустақил тарзда ташкил этилади. Бундан асосий мақсад, болаларни фақатгина тарбиялаш эмас, балки уларни мактабга тайёр ҳолда олиб келиш ва мактаб шароити ҳақида болаларда кўникмалар ҳосил қилишдир. Шунингдек, мактабгача таълим жараёнини уй шароитига яқинлаштириш ҳам асосий вазифалардан саналади. Чунки французлар болаларга оиладагидек меҳр, яқинлик ва илиқ муносабат билан таълим-тарбия беришни муваффақиятли жараён деб ҳисоблашади. Мутахассисларнинг фикрича, бола эркин бўлган ҳолатдагина ўз иқтидорининг 85 фоизини кўпчилик олдида намойиш эта оларкан. Ёхуд бир йўналишга солинган, такрорланувчи одатлар ва ижодкорлигига тўсқинлик қилувчи муҳитда тарбияланган болада эса бу кўрсаткич 46 фоизга тушиб қолиши кузатилган. Шу сабабли бу юртда мактабгача таълим ходимларига юксак мақом берилади, яъни улар "она" деб ҳисобланиб, бу муассасалар "Оналар мактаби" деб юритилади. "Оналар мактаблари"нинг самарадорлиги юқорилиги боис, бошланғич мактаб базаларида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига қараганда у кўпроқ болаларни қамраб олади. Хусусан, "Оналар мактаби"да 70 фоиз атрофида, бошланғич таълим базасидаги таълим-тарбия масканларида 30 фоиздан зиёдроқ болалар тарбия оладилар. Шунингдек, "Оналар мактаблари"да хусусий репититорлик ҳам ривожланган бўлиб, бу асосан мактабга тайёрлов гуруҳларида амалга оширилади. Ўрта гуруҳдагиларни 4 ёшдан 5 ёшгача бўлганлар ташкил этиб, кўп ҳолларда улар билан индивидуал (алоҳида-алоҳида) ишланади. Кичик гуруҳлар эса 2-4 ёшли болалардан иборат бўлади. Бу давр тарбиянинг энг муҳим босқичи саналиб, унда овқатланиш, юриш-туриш, сўзларни тўғри талаффуз этиш каби ҳолатлар ва бола мустақиллигига эътибор қаратилади. Мактабгача таълимни болалар шу тарзда ўтагач, шундан сўнг узлуксиз таълимнинг иккинчи босқичи бошланади.*

*Францияда ҳам бошланғич таълим мактабгача таълимдан кейинги босқич ҳисобланиб, 1990 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчи учун жавобгар бўлади, ўқувчиларни мактабнинг юқори синфларига сифатли, етук қилиб етказиб бериш улар зиммасида туради. Бошланғич таълимда ўқув дастурини синф ўқитувчисининг ўзи жорий этади. Таълим турлича циклларда амалга оширилиб, ўқувчи ва ўқитувчи эркинлиги таъминланади.*

*Синф имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар ойнинг бир санаси ота-оналар куни сифатида белгилаб қўйилади ва ўша куни ота-онаси келмаган ўқувчи изза бўлади. Шунинг учун ҳам оила—мактаб ҳамкорлиги кенг ривожланган бўлиб, ҳатто ота-оналар ўқитувчи номзодини сайлаб беришади. Бошланғич синф ўқитувчилигига "сайлов"дан ўтган номзодгина энг билимдон ўқитувчи шарафига муяссар бўлади.*

*Бошланғич таълимнинг муддати 5 йил бўлганлиги сабаб, уч босқичда олиб борилади. Биринчи босқич тайёрлов даври деб номланиб, фақат бир ўқитувчи машғулотларни олиб боради. Ўқувчиларда ўқиш, ёзиш, куйлаш, ўйлаш, ҳисоблаш малакалари шакллантирилади. Иккинчи босқич эса элементар курс ҳисобланади. Икки йил давом этадиган бу жараёнда бир йил-бир йилдан икки ўқитувчи дарс беради. Бу нарса ўқувчиларда юқори синфлардаги фан ўқитувчилари алмашинувига кўникмани ҳосил этади. Ниҳоят, иккала босқич билимларини чуқурлаштирувчи учинчи босқич ҳам икки йил бўлади. Ўз навбатида ҳар бир босқич тугатилаётганда ўқувчилар имтиҳон қилинадилар. Ана шу беш йил давомида улар математика, ўқиш, ёзув дарсларидан ташқари ҳуқуқий фуқаролик таълими, жисмоний тарбия, география, тарих, нафосат таълимларини ҳам оладилар. Айниқса, сиёсий тушунчаларини чуқурлаштириш учун сенат ва миллий ассамблеяга саёҳатларга олиб чиқиладилар. Яна бир жиҳат, болалар авеню раҳбари, шаҳар мэри, вице-президент, президент каби лавозимларнинг вазифаларини тўғри англаб, ўзаро ролларга бўлиб амалий ўрганишади. Мақсад, бугунги ўқувчини эртага юксак шахс, жамиятнинг фаол аъзоси қилиб етиштиришдир. Шунинг учун ҳам французлар мактабгача ва бошланғич таълимни давлат буюклигининг мезонлари дейишади.*

**Франция матбуоти асосида**
**Насиба ЭРХОНОВА тайёрлади.**

# ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

*Умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчи ёшларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида вилоят умумий таълим мактабларнинг 8-11-синф ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг иккита босқичи бўлиб ўтди:*

*Биринчи, мактаб босқичида вилоят бўйича 532 та мактабдан 474035 нафар ўқувчи қатнашди.*

*Иккинчи, туман босқичида вилоят бўйича 532 та мактабдан 89908 нафар ўқувчи қатнашди.*

*Қатнашчиларга шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳомийлик қилдилар. Шовот тумани ҳокимлиги 100 минг, Боғот тумани ҳокимлиги 70 минг сўмлик совринлар билан иштирок этишди.*

*"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларнинг 8-11-синфлар ўртасида вилоят босқичига тайёргарлик кўрилмоқда. Мусобақанинг очилиш маросими Хоразм вилояти "Олимпия" ўйингоҳида ўтказилади. Футбол турнирини ўтказиш учун вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли спорт ўйингоҳи тўлиқ тайёр ҳолга келтирилган.*

*Волейбол турнирини эса Урганч шаҳар коллежида ўтказиш кўзда тутилган. Шу қатори Урганч шаҳар гидрамелиорация коллежи спорт мажмуаси, вилоят БЎСМ-1 теннис корти, шаҳардаги Дельфин бассейнлари ҳам ўйин турлари бўйича тахт қилинган.*

**Р.ШАХМАЕВ,**
**Хоразм вилояти "Ёшлик" КСЖ кенгаши раиси ўринбосари**

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Жиззах вилоятида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 8-11-синф ўқувчилари ўртасидаги вилоят биринчилиги 2002 йилнинг 1 февраль куни спортнинг баскетбол тури билан расман бошланди. Ушбу мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими республика ва вилоят телевидениелари томонидан тўлиқ ёритилди. Мусобақаларда вилоятнинг барча туманларидан ва Жиззах шаҳридан жами 130 ўқувчи вилоят ғолиблиги учун кураш олиб борди.

Тўрт кун давом этган бу мусобақаларда 1-ўринни Жиззах шаҳри, 2-ўринни Зафаробод тумани, 3-ўринни Зомин тумани терма жамоалари эгаллашди. 6-10 февраль кунлари қизлар ўртасида баскетбол бўйича ўтказилган вилоят биринчилигида 1-ўринни Жиззах шаҳри, 2-ўринни Зафаробод тумани, 3-ўринни Жиззах тумани ўқувчилари эгаллашди. Қўл тўпи бўйича ўсмирлар ўртасида 1-ўрин Жиззах шаҳри, 2-ўрин Ғалла-орол тумани, 3-ўрин Жиззах тумани, қизлар ўртасидаги вилоят биринчилигида 1-ўрин Жиззах тумани, 2-ўрин Жиззах шаҳри, 3-ўрин Мирзачўл тумани ўқувчиларига насиб этди. Шу кунгача баскетбол ва қўл тўпи бўйича ўсмирлар ҳамда қизлар ўртасида ва волейбол бўйича ўсмирлар ўртасида вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилиб якунланди ва бу мусобақаларда жами 728 ўқувчилар иштирок этишди. Ғолиб туман, шаҳар терма жамоалари вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан таъсис этилган 1,2,3-даражали дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Спорт турлари бўйича иқтидорли спортчи ўқувчилар танланиб, вилоят терма жамоаси шакллантирилмоқда.

# ДОПИНГ МОЖАРОСИ

Халқаро олимпия қўмитаси томонидан ўтказилган допинг текширувларининг биридан кейин россиялик чанғичи Лариса Лазутина ва испаниялик чанғичи Йохан Мюлегг қишки олимпиада ўйинларидан дисквалификация қилинди.



Бу ҳол икки спортчига ҳам анча қимматга тушди. Сабаби улар олимпиада мусобақаларида таъқиқланган дарбепоэтин моддаси истеъмол қилишган экан.

Олимпия қўмитаси комиссиясининг таъкидлашича, учта олтин медал соҳиби бўлган Мюлегг 50 км пойгада қўлга киритган ғалабасидан, Лазутина эса 30км масофадаги мусобақада қўлга киритган медалидан маҳрум этилди.

Бу ҳолдан, айниқса, Испания Миллий Олимпия қўмитаси қаттиқ норози.

Сабаби Мюлеггда бир қанча допинг анализи ўтказилганда унинг ҳеч қандай аломатлари топилмади.

# КАНАДАЛИКЛАРГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Хоккей бўйича ўтган мусобақанинг финал босқичида Канада ва АҚШ терма жамоалари тўқнаш келди.



Мезбон жамоанинг мураббийси Херб Брукс канадаликларни профессионал ўйинчилар дея таърифлаган эди. Улар бу сўзларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигини исботлай олди. Ҳамма кутганидек муросасиз кечган финал мусобақасида канадалик хоккейчилар олимпиада чемпиони бўлишди.

# ЯНГИ ЧЕМПИОНЛАР

Қишки олимпиада ўйинлари янги-янги кучли спортчиларни кашф этди.



Грециялик чанғичи Клаудия Пехштайн 500 метрлик мусобақада энг юқори кўрсаткичга эришиб биринчи ўринни эгаллади. Ва икки карра олимпиада чемпиони номини олишга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни голландиялик спортчи Грета Смит эгаллаган бўлса, учинчи поғонани канадалик Клара Хьюз банд этди.

# «НАСАФ»НИНГ РАҚИБИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги — 2001/02 нинг барча ярим финалчилари маълум бўлди: "Истиқлол" (Эрон), "Насаф" (Ўзбекистон), "Сувон Самсунг Блюуингз", "Анянг Читаз LG" (ҳар иккаласи - Жанубий Корея).

5 апрель куни бўладиган "Истиқлол" - "Анянг Читаз <G", "Сувон Самсунг Блюуингз" - "Насаф" ўйинларидан сўнг 21-маротаба ўтказилаётган Осиё чемпионлари кубоги баҳсларининг финалчилари маълум бўлади.

Жанубий Корея пойтахти Сеул жанубидаги Сувон шаҳри жамоаси 1995 йили ташкил топган. 1998 йили Осиё кубок эгалари кубоги финалчиси бўлган "Сувон Самсунг Блюуингз" 2000/01 йилги мавсумда Чемпионлар Кубоги ҳамда Суперкубок соҳиби бўлган. Клуб ўз ўйинларини ЖЧ—2002 баҳслари учун янгитдан қурилган "Suwon World Cup Stadium" стадионида ўтказади. У 44047 томошабинга мўлжалланган.

Таркибида корейс йигитлари билан бирга Денис Лактионов (Россия), Иоунут Лутц (Руминия), Ален Авдич (Босния), Золтан Сабо (Югославия), Марио Иванкович (Хорватия), Сандро Кардосо дос Сантос (Бразилия) каби легионерлар мавжуд ушбу Осиёнинг бугунги кундаги энг кучли клуби билан ўйинда "Насаф"га осон бўлмаслиги аниқ.

# АРҒИМЧОҚ

**Milliy o'yinlar**

**Баланд дарахтга ёки ёнма-ён ўрнатилган устунларга ер сатҳидан 35-45 см. баландликда арқон ёки тросс боғлаб, унга ёғоч-тахта боғланади. Ҳозир буларнинг барчаси металл-дан ясаладиган бўлди. Арғимчоқлар бир кишилик, икки кишилик ёки тўрт кишилик бўлиши мумкин. Бир киши ёлғиз, 2 киши, 4 киши юзма-юз турган ҳолда ўйнайдилар. Ўйинда мусобақалашувчиларнинг умумий оғирлиги (гуруҳли бўлса) 5 кг.гача фарқ қилиши мумкин. Қизлар қизлар билан, ўғил болалар ўғил болалар билан ўйнайдилар. Бошловчи томон белгилаб қўйилган учиш чизиғидан учишга бошлайди. Кўпчилик бўлса, учиш марраси томонидагилар учишни бошлайдилар. Соат секундомерига қараб учиш бошланган вақт қайд этилади. Учувчилар арғимчоқ ҳаракат эпкинининг тугаши билан иккинчи томонга ҳаракат тезлигини ошириш учун кучларини бирлаштириб, эпкин кучини қарши томонга йўналтирадилар. У ёки бу томонга етиб олгач, механик ҳаракат қоидасига аниқ ёндашган ҳолда эпкинли ҳаракат кучаяверади. Арғимчоқ ўз ҳаракатида $180^0$ га етгач (ярим доира ҳосил бўлгач) соат секундомерига қараб неча дақиқада марра эгаллангани аниқланади. Учувчилар арғимчоқда аллаланиб дам оладилар, ҳаракат пасайгач, навбатдаги мусобақадош арғимчоққа ўтиради. Юқорида зикр этилган қоидага биноан $180^0$ неча дақиқада учиш эпкинини кўтарганлари қайд этилади. Мусобақадошлар, ҳакамлик қилувчи мусобақа натижаларини томонлар иштирокида ҳамкорликда аниқлаб эълон қилади. Спортда адолатсизлик ўз-ўзини алдаш, хафагарчилик келтиради. Бу эса - саломатлик эгови. Спортнинг вазифаси-мақсади ҳар биримизни кўникишга ўргатиш, мағлубиятдан хулоса чиқарган ҳолда ўзини келажак ҳаётий мусобақаларга тайёрлашдан иборат. Интилганга толе ёр. Бугун бўлмаса яқин келажакда ғалаба нашидасини сурамиз.**

**Арғимчоқ ўйини, айниқса, жамоа бўлиб ўйналганда, кишиларда фикрлар, ҳаракатлар, сезгилар, кучлар бирлигини бир мақсадга бирлаштиради. Бири иккинчисига ёрдамчи, суянчиқ, рағбатлантирувчи, тажрибасини ўргатувчи бўлиб, камолот зинасидан илгарига интилишга ўргатади. Ҳар бир ўйиннинг бир неча ўзига хос сирлари борки, шуғулланган сари уларни ўз ақли билан шуғулланувчи тушуниб етади. Ўйлаш, фикрлаш, таққослаш қобилияти кенгаяди. Ҳаётдаги ютуқлар мия ҳаракати, мушаклар ҳаракати, ирода ва интилишнинг мевасидир. Ўйинларда тўпланган изланувчанлик меҳнатда эришилган иззат-ҳурматнинг пиллапоясидир.**

**Ф.НАСРИДДИНОВ,**
**профессор,**
**Ш.ТЎЛАГАНОВ,**
**фан номзоди**


# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 29 март, 12, 26 апрел, 10, 24 май кунлари соат 10-00да ким ошди савдолари ўтказади.**

## КИМ ОШДИ САВДОЛАРИГА

**қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаларини қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:**

| №№ п/п | Ер майдони, жойлашган манзил ва қуриладиган шахобча тури | Ер майдонининг сатхи | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| | **Сирғали тумани** | | |
| 1 | Чоштепа кўчаси, 54-разъездда қурилиш моллари дўкони ва халқ эхтиёжини қондириш дўконлари мажмуаси қуриш учун | 0,09 га. | 561 970 |
| 2 | Чоштепа кўчасида дорихона, сартарошхона қуриш ва бозорчани таъмирлаш учун | 0,04 га. | 282 970 |
| 3 | Локомотив кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш шахобчаси қуриш учун | 0,04 га. | 4 859 770 |
| 4 | "Сирғали-8а" мавзеси, Янги Сирғали ва лойиҳадаги Г-40,0 м. кўчалари бурчагида минимаркет қуриш учун | 0,02 га. | 4 475 770 |
| 5 | "Сирғали-5" мавзеси, 48,58 ва 69-уйлар оралиғида, кооператив биноси ёнида дўкон қуриш учун | 0,02 га. | 722 170 |
| 6 | "Қурувчи" мавзеси, лойиҳадаги Г-94,0м. кўчасида дўкон қуриш учун | 0,06 га. | 801 370 |
| | **Мирзо Улуғбек тумани** | | |
| 7 | "Қорасув-6" мавзеси, Семашко кўчасида автомобиль ювиш шахобчаси қуриш учун | 0,015га. | 602 020 |
| | **Акмал Икромов тумани, Сегизбоев кўчаси, "Чилонзор-23" мавзе** | | |
| 8 | Спорт-соғломлаштириш мажмуаси қуриш учун | 0,23 га. | 6 080 020 |
| 9 | Маиший хизмат мажмуаси қуриш учун | 0,048га. | 2 070 010 |
| 10 | Сартарошхона қуриш учун | 0,02 га. | 897 370 |
| | **Ҳамза тумани** | | |
| 11 | Курилиш кўчасида дорихона қуриш учун | 0,02 га. | 440 770 |

**Ушбу ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади.**
**Шунингдек, ушбу савдоларда:**

1. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси, 75-уйда жойлашган "Мевасабзавот курилиш" АЖнинг давлат белгиси 5411 ТША бўлган "ВАЗ-2103" русумли автомашинаси, бошланғич нархи 189272 сўм.
2. Ташкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уйда жойлашган "UPAKMASHAVTOMAT" ГУП КБ корхонасининг мухандис-лабаратория корпуси "А" блокининг биноси, майдони 2200 кв.м., бошланғич нархи 100291170 сўм.
3. Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани ҳокимлиги КФБга қарашли "Чилонзор" даҳаси, 12-мавзесидаги, 7А-уйнинг 2 хонали, 53-хонадони, бошланғич нархи 705309 сўм.
4. Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани ҳокимлиги КФБга қарашли "Чилонзор" даҳаси, Г-9А мавзесидаги, 19-уйнинг 1 хонали, 38-хонадони, бошланғич нархи 356243 сўм.
5. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 6А-уйда жойлашган АТП "YAKKASAROY MAXSUSTRANS"нинг автотранспорт воситалари:

- "ГАЗ-31029" русумли, давлат белгиси 10АВ279, бошланғич нархи 2943144 сўм;
- "ЗИЛ-130" русумли, давлат белгиси 10АР112, бошланғич нархи 5509568 сўм;
- "ФАЗ-3508-01" русумли, давлат белгиси 10АР084, бошланғич нархи 2567696 сўм;
- "ФАЗ-3508-01" русумли, давлат белгиси 10АР093, бошланғич нархи 2507513 сўм;
- "ГАЗ-САЗ-3507" русумли, давлат белгиси 10АР101, бошланғич нархи 3228317 сўм;
- "УАЗ-3962" русумли, давлат белгиси 10АN786, бошланғич нархи 2087372 сўм;
- "ГАЗ-5814-САЗ-3507" русумли, давлат белгиси 10АР095, бошланғич нархи 3053615 сўм;
- "ГАЗ-33072" русумли, давлат белгиси 10АР081, бошланғич нархи 2236688 сўм;
- "ЗИЛ-45021" русумли, давлат белгиси 10АР105, бошланғич нархи 5341343 сўм;
- "ФАЗ-3508-01" русумли, давлат белгиси 10АР104, бошланғич нархи 2206597 сўм;
- "КАЗ-3511" русумли, давлат белгиси 10АР085, бошланғич нархи 3577722 сўм;
- "ФАЗ-3508-01" русумли, давлат белгиси 10АР099, бошланғич нархи 2597788 сўм.

Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Ким ошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг.

**Биржа манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.**



The British Council

## Hornby Trust Scholarship 2002/3

The Hornby Trust Scholarship is provided by A.S.Hornby Educational Trust and is administered by the British Council in Uzbekistan.

The objective of the scholarship is to provide teachers of English with an opportunity to pursue postgraduate studies in the United Kingdom relevant both to their own career development and to national priorities of the Republic of Uzbekistan.

For the academic year 2002/3 one Hornby Trust Scholarship has been allocated to Uzbekistan.

Applicants should be:

- Graduates with an excellent academic record in English language teaching
- At least 5 years of teaching experience
- High level of English proficiency

Please send a full CV together with a letter of application to Martin Seviour at the address below by 16 March 2002. Applications received after that date will not be considered.

Shortlisted candidates will be invited for interview in Tashkent in late March 2002. Final selection will be made by the Hornby Trust in April 2002.

For further information please contact Martin Seviour at the British Council Information Centre.

Address:
11, D. Kounaev Street.
Tashkent 700031

Tel: 120 67 52
120 67 53
Fax: 120 63 71
E-mail: martin.seviour@britishcouncil.uz



# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

*Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 2002 йилнинг март ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирган:*

*1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари (қисқа муддатли): 04.03.2002 йил — 24.03.2002 йил.*

*2. Мактабгача таълим муассасаси психологлари: 04.03.2002 йил — 24.03.2002 йил.*

*3. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари: 05.03.2002 йил — 31.03.2002 йил.*

*4. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари: 05.03.2002 йил — 31.03.2002 йил.*

*Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.*

*Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Суткали ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.*

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" бекати (охири).**


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Мирзабековга онаси

**Саодат ая ЭРГАШЕВА**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси бошқарманинг собиқ раҳбарларидан бири, меҳнат фахрийси

**Содиқжон МАМАТХОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига таъзия билдиради.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институт "Авиатармоқ иқтисоди" кафедраси доценти

**Гулнора ШАРИПОВА**нинг

бевақт вафот этганлиги туфайли унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, туман халқ таълими бўлимлари ТШПҚТМО-Ининг "Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим" кафедраси катта ўқитувчиси

**Саодат ТОЛИПОВА**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

